

27249
N1 393

Д.И.ФОНВИЗИН



ДУМБУЛ
БОЙВАЧЧА

Д. И. ФОНВИЗИН

ДУМБУЛ БОЙВАЧЧА

(Норасида)

5 пардали комедия

УЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

«ЁШ ГВАРДИЯ» НАШРИЁТИ

ТОШКЕНТ—1978

Ф 83


Фонвизин Д. И.

Думбул бойвачча. (Норасида). 5 пардали комедия.
Қ. Мирмуҳамедов таржимаси.—Т.: «Ёш гвардия»,
1978—80 б.—(Урта ва катта ёшдаги болалар учун).
Фонвизин Д. И. Недоросль. Комедия.

PI

NI 27249
383

Қ. Мирмуҳамедов таржимаси.



ИШТИРОҚ ЭТУВЧИЛАР:

ПРОСТАКОВ.

ПРОСТАКОВА хоним, унинг хотини.

МИТРОФАН, уларнинг ўғли, думбул (норасида) бола.

ЕРЕМЕЕВНА, Митрофаннинг энагаси.

ПРАВДИН.

СТАРОДУМ.

СОФЬЯ, Стародумнинг жияни.

МИЛОН.

СУҚИМБОЕВ, Простакова хонимнинг укаси.

ҲАЛИМЗОДА, диний мактабда ўқиб чиққан сўфи.

РАҚАМИЙ, истеъфога чиққан сержант.

АВРАРМАН, муаллим.

ТРИШКА, тикувчи.

Простаковнинг хизматкори.

Стародумнинг махрами.

Воқеа Простаковлар қишлоғида бўлиб ўтади.



БИРИНЧИ ПАРДА

I САҲНА

Простакова хоним, Митрофан, Еремеевна.

Простакова хоним (*Митрофаннинг эғнидаги кафтанга бошдан оёқ кўз югуртириб чиқиб*). Расво бўпти кафтан. Еремеевна, муттаҳам Тришкани судраб кел бу ёққа. (*Еремеевна чиқади*). Ҳам энидан, ҳам бўйдан урибди, яшшамагур ўғри. Митрофангинам, гиргитоннинг бўлай! Кўриб турибман, ўлгудек қисаётганга ўхшайди-я? Бор, отангни чақириб кел.

Митрофан чиқади.

II САҲНА

Простакова хоним, Еремеевна, Тришка.

Простакова хоним (*Тришкага*). Ҳў-ў, яшшамагур ҳўқиз, берироқ кел. Кафтанни кенгроқ қилиб тиккин деб айтмабмидим сен турқи совуқ, ўғрига? Бирламчи, бола ёш, айни ўсадиган пайти, иккиламчи, тор кафтан киймасаям, ниҳолдак нозиккина. Қани, хўш, энди нимани важ-корсон қиласан, галварс?

Тришка. Ахир, бегойим, кийим тикишни менга ҳеч ким ўргатмаган-да. Ушанда айтувдим-ку, машиначига берсангиз бўларди, деб.

Простакова хоним. Битта кафтан тикишгаям, машиначими? Вой ҳафтафаҳм-е!

Тришка. Машиначи шу ишга ўрганган-да, бегойим, менга ҳеч ким ўргатмаган.

Простакова хоним. Тагин айтишганига бало борми бу тавиянинг? Машиначи бошқа машиначидан ўрганган, униси яна бошқасидан ўрганган, хўш, энг биринчи машиначи кимдан ўрганган, а? Гапир, ҳўқиз!

Тришка. Энг биринчи машиначи мендан ҳам беш бадтар тиккандир балки.

Митрофан (*югуриб киради*). Дадамни чақирдим. Ҳозир келармиш.

Простакова хоним. Бор, яхшиликча келмаса, ҳиқилдо-
ғидан бўғиб судраб кел.

Митрофан. Ана, ўзиям келди.

III САҲНА

Ушалар ва Простаков.

Простакова хоним. Ҳой эр, намунча мендан ўзингни олиб қочмасанг? Мана, кўрдингми, тақсирим, одамларимизни сен талтайтириб юборяпсан-у, азобини мен тортяпман. Митрофанга тиккан кафтанни қара, бола боёқиш тоғасининг никоҳ фотиҳаси кунига шу рўдапони кийиб чиқсинми? Қани, сен нима дейсан?

Простаков (*қўрққанидан дудуқланиб*). Ҳа... ҳа... ҳалпиллатиб юборибди чоғи?

Простакова хоним. Ўзинг ҳалпиллагансан, донишманд.

Простаков. Сенга шунақа туюлган бўлса керак, деб ўйловдим, онаси.

Простакова хоним. Нима, ўзингнинг кўзинг кўрми?

Простаков. Сен турган ерда, менинг кўзим ҳеч нима кўрмайди.

Простакова хоним. Э, худо, қандоқ эрга дучор қилдинг мени? Нима кенг-у, нима тор — фарқига бора олмасая!

Простаков. Бу борада, онахон, сен нима десанг шу бўлади. Гапларингга батамом ишонаман.

Простакова хоним. Ишонсанг, қулогингга яхшилаб қуйиб ол: мен малайларимизни талтайтирмоқчи эмасман. Шунинг учун, тақсирим, ҳозироқ Тришкани олиб чиқиб, савалат...

IV САҲНА

Ушалар ва Сўқимбоев.

Сўқимбоев. Кимни? Нимага? Келиб-келиб, менинг никоҳ фотиҳам кунида-я? Жон опажон, шаштингдан қайт, бугунги маросимимизни бузма, ҳар қанча жазонинг бўлса эртага қолдир; эртага, агар хўп десанг, ўзим жон-жон деб сенга кўмаклашиб юбораман. Агар мен ҳар қандай икир-чикирдан баҳс ахтариб, айб топа олмасам, Тарас Сўқимбоев номимни Тўқимбоев қўяман. Бу борада, опажон, сен билан икковимизни тупроғимизни бир ердан олишган. Қани, айт-чи, нега бунча жиғибийрон бўляпсан ўзи?

Простакова хоним. Мана, ука, ўзинг бир кўр. Митрофанжон, берироқ кел, тойлогим. Хўш, шу кафтан ҳалпиллаганми?

Сўқимбоев. Ҳеч-да.

Простаков. Ўзим ҳам кўриб турибман энди, онаси, тор бўлиб қопти.

Сўқимбоев. Тор ҳам эмас. Кафтани ким тиккан бўлсаям, қийиб қўйипти.

Простакова хоним (*Тришкага*). Тур йўқол, хўкиз. (*Еремеевнага*). Сен ҳам, Еремеевна, бориб болага нонушта бер. Ҳализамон муаллимлари ҳам келиб қолишади.

Еремеевна. Бойвачча яқинда бешта кулча нон еб олган эдилар, бегойим.

Простакова хоним. Нима, олтинчисини ёнингдан берасанми, алваста? Мехрибон иссиқ чалпак бўлмай ўл!

Еремеевна. Есалар, ош бўлсин-у, бегойим, лекигин Митрофан Терентьевичга ачинганимдан айтдим. Кечаси билан тўлганиб чиқдилар.

Простакова хоним. Вой, шўрим қурсин! Нима бўлди сенга, Митрофангинам?

Митрофан. Шундай, ойижон, кеча кечқурун, овқатдан кейин қорним эзгилаб оғрий бошлади.

Сўқимбоев. Бўкиб қолган бўлсанг керак-да, жиян.

Митрофан. Ҳеч нима еганим ҳам йўқ эди, тоға.

Простаков. Назаримда, бир нималар еяётгандай эдинг шеклли, тасаддуқ.

Митрофан. Нима бўларди? Атиги уч бўлаккина яхна сўқим гўшти билан, санаганим йўқ,— бештами ё олтига сомса едим.

Еремеевна. Кечаси, дам ўтмай чанқадим деявериб, бир кўза квасни ичиб битирдилар.

Митрофан. Ҳозир ҳам, гангиб юрибман. Кечаси билан ваҳимали тушлар қўриб чиқдим.

Простакова хоним. Қанақа туш экан, Митрофанжон?

Митрофан. Қанақа бўларди? Тушимга гоҳ сиз, ойижон, гоҳ дадам киравердинглар.

Простакова хоним. Нима бўпти?

Митрофан. Қўзим илинди дегунча, тушимда, сиз, ойижон, нуқул дадамни дўппослармишсиз.

Простаков (*четга*). О! Шўрим қурсин. Туши ўнгидан чиқди!

Митрофан (*талтайиб*). Бирам ачиниб кетдимки...

Простакова хоним (*ўкинч билан*). Қимга, Митрофанжон?

Митрофан. Сизга-да, ойижон. Дадамни дўппослайвериб жудаям чарчаб кетдингиз.

Простакова хоним. Кела қол, қўзичоғим, бағримга бо-сай, онагинанг гиргиттон бўлсин, овинчоғим.

Сўқимбоев. Ие, Митрофан, ҳали сен дадангни эмас, ойингни ўгли экансан-да?

Простаков. Ҳар на бўлганда ҳам, мен уни оталик меҳри

билан яхши кўраман; бунақа доно, бунақа зукко бола қаерда бор яна, ҳазилкашлиги, шўхлигини айтмайсизми. Баъзида, қилиқларига қараб туриб-туриб, ҳанг-манг бўлиб қоламан-у, очиги, теримга сиғмай кетганимдан, унинг ўз ўғлим эканлигига ҳам ишонмай қоламан.

Сўқимбоев. Аммо-лекин, нимагадир шўх жиянимизнинг қовоқ-тумшуги осилиб кетипти.

Простакова хоним. Вой, ўлмасам, доктор олиб келгани шахарга одам юборсаммикин-а?

Митрофанушка. Йўқ, йўқ, ойижон. Шундоғам бирпасда тузалиб қоламан. Бир каптархонага ғизиллаб бориб келай, зора-мора...

Простакова хоним. Худойимнинг карами кенг, зора-мо-ра ўзи шифо берса. Бора қол, Митрофангинам, бир ўйнаб кел.

Митрофан билан Еремеевна чиқиб кетишади.

УСАҲНА

Простакова хоним, Простаков, Сўқимбоев.

Сўқимбоев. Қайлиғим кўринмайдими? Қани у? Бугун кеч-курун фотиҳа ўқитамиз, энди айтса бўлар дейман унга эрга тегаётганини?

Простакова хоним. Сабр қил, иним. Агар Софьяга олдиндан айтсак, у бизни ялинаяпти, деб ўйлаши мумкин. Ҳали Софьянинг эрим томонидан, узоқ бўлса ҳам, қариндошлиги бор-ку; менга қолса, етти ёт бегоналар ҳам измимдан чиқишмаса дейман.

Простаков (Сўқимбоевга). Гапнинг сираси, биз Софья-хонни қип-қизил етимча бўлиб қолганидан кейин, уйимизга олиб келиб, ўз фарзандимиздек парвариш қилдик. Отаси қазо қилганида ҳали у кичкина эди. Бундан ярим йил бурун шўрлик онаси — менинг қудам ҳам бирдан фалаж бўлиб ётиб қолди-ю...

Простакова хоним (гўё ўз юрагини чўқинтираётгандай бўлиб). Ё правардигор, ўзинг бандам дегин.

Простаков. Шу дардга чалинганича, қайта ўнганмай бандаликни бажо келтирди. Софьянинг тоғаси жаноб Стародум бундан бир неча йил муқаддам Сибирга жўнаб кетган эди. Шу кетганича, ундан хат ҳам, хабар ҳам бўлмагани учун, у киши ҳам қазо қилган бўлсалар керак, деб ўйлаймиз. Шўрлик етимчанинг ёлғиз қолганини кўриб, раҳмимиз келди-да, уни қишлоғимизга кўчириб олиб келдик, эндиликда унинг ер-мулкларини ҳам худди ўз мулкимиздек назорат қилиб турибмиз.

Простакова хоним. Нима бало жағнинг очилиб қолди

бугун, отахон? Тагин укам «ўз фойдаларини кўзлаб, Софьяни кўчириб келишибди», деб ўйламасин бизни.

Простаков. Нега энди ундай ўйларкан? Софьяхоннинг ерсув, ҳовли-жойини кўчириб келиб, ўз еримизга қўша олмаймиз-ку.

Сўқимбоев. Кўчадиганларини кўчириб келган бўлсангиз ҳам, мен ҳеч кимга арз қилмайман. Нега десангиз, арз қилишни ёмон кўраман, кейин, қўрқаман ҳам. Қўшниларим бошимга не-не кунларни солишиб, менга қанчадан-қанча зарар етказишмади, аммо-лекин мен ҳеч қаерга уларнинг устидан арз қилиб бормадим, овора бўлиб юраманми. Ҳар қанча зарар кўрсам ҳам, деҳқонларимга ўлпон солиб, йиғиб оламан-у, туя кўрдингми йўқ деб, ўтиравераман.

Простаков. Рост айтасан, ука, атроф қишлоқларда ҳамма шуни гапиряпти, сен ўлпон йиғишда жуда устаси фаранг бўлиб кетганмишсан.

Простакова хоним. Бизларни ҳам ўргатиб қўйсанг яхши бўларди, ука, биз ўлпон йиғишда жудаям ношудмиз. Деҳқонларнинг бор-йўқ, буд-шудини ўлпонга йиғиштириб олганимиздан буён, ҳеч нима ундира олмаяпмиз улардан. Шундоқ кунга қолдик.

Сўқимбоев. Жоним билан, опажон, бўпти, ўргатиб қўйганим бўлсин, олдин мени Софьяхонга уйлантириб қўйинглар.

Простакова хоним. Ростданам, шунақа ёқиб қолдимни сенга у қиз?

Сўқимбоев. Йўқ, менга ёққан нарса қиз эмас.

Простаков. Унинг сенга ён-қўшни бўлиб турган қишлоқларини?

Сўқимбоев. Қишлоқлари ҳам эмас, ўша қишлоқларидаги нарсалар, ўшаларга ўлгидек ишқивозман.

Простакова хоним. Нима экан, ўша ишқивоз бўлганларинг?

Сўқимбоев. Чўчқаларни яхши кўраман, опажон. Жондидим — чўчқа. Биз томонлардаги чўчқалар чунонам бўлалики, агар орқа оёғида туришса, бўйлари сен билан биздан бир қарич баланд бўлади.

Простаков. Тавба қилдим. Жиян тоғага ўхшайди деганлари рост экан-да. Бизнинг Митрофанжоннинг феъли ҳам худди тоғасининг феълидан-а, у ҳам чўчқа деса худди сенга ўхшаб ўлиб қолади, ука, у ҳали уч ёшга етмасиданоқ чўчқани кўрса, суюнганидан қийқириб юборарди.

Сўқимбоев. Ажаб, ажаб, хўп, Митрофан-ку менинг жияним бўлгани учун, чўчқаларни яхши кўради дейлик. Бу жиҳатдан ўхшашлик бор. Аммо-лекин нимага мен чўчқаларга бунчалик ишқивозман?

Простаков. Бунда ҳам ўхшашлик бўлса керак-да, менимча, шундай.

VI САҲНА

Ўшалар ва Софья

Софья чеҳрасида табассум ва қўлида хат билан киради.

Простакова хоним (*Софьяга*) Ҳа, намунча тиржаймасанг? Нимадан хурсандсан, тасаддуқ?

Софья. Ҳозир мен хушxabар олдим. Қўпдан бери дому дараксиз кетган, отам ўрнига ота бўлмиш мухтарам тоғам шу кунларда Москвага қайтиб келиптилар. Мана бу мактуб тоғамдан.

Простакова хоним (*чўчиб кетади, дарғазаб*). Нима? Тоғанг Стародум тирик эканми? Бундан чиқди, у нариги дунёдан тирилиб кепти-да? Топган уйдирмасини қаранглар-у, буни...

Софья. Тоғам ҳеч қачон ўлмаганлар.

Простакова хоним. Ўлмаган! Нима, тоғанг ўлолмайди ҳамми? Йўқ, оймтилло, бу гапинг ғирт уйдирма. Тоғамни дарганин эшитишса, қўрқиб кетиб, мени тинч қўйишади, деб ўйлагансан. Тоғам донишманд киши, мени бегоналар қўлидан қутқариб олади, деб севингансан. Лекин севинмай қўя қол, пошша қиз. Тоғанг ҳеч қачон тирилиб келмайди.

Сўқимбоев. Опажон агар ўлмаган бўлса-чи?..

Простаков. Худо кўрсатмасин! Агар ўлмаган бўлса...

Простакова хоним (*эрига*). Нега ўлмас экан?! Нега одамни калака қиласан? Ахир бир неча йилдан бери черковда уни ўлганлар рўйхатига ёздириб, дуои фотиҳа ўқитамиз, арвоҳини йўқлаймиз-ку, эсингдан чиқдимми? Наҳотки мен осий банданинг ибодатлари зое кетган бўлса? (*Софьяга*). Хат менга юборилган бўлса керак? (*Юлқиб олади*). Баҳс бойлайман, биронта ишқий мактуб бўлиши керак бу. Ким ёзганлигини ҳам фаҳмлаб турибман. Буни ўша сенга уйланмоқчи бўлган офицер ёзган, ўзинг ҳам уни хоҳлаб ўлиб ётувдинг. Қайси яшшамагур мендан берухсат сенга хат ташияпти, а? Қўлимга тушар ҳали. Ё худоё гавба, не кунларга қолдик-а? Қизларга мактублар ёзишадиган бўлишипти. Қизлар саводхон бўлиб қолишипти.

Софья. Ўзингиз ўқиб кўринг, бегойим. Ҳеч ҳам унақа сиз ўйлаган гаплар йўқ.

Простакова хоним. Ўзингиз ўқиб кўринг! Йўқ, ойм қиз, худога шукур, мени бошқача тарбиялашган. Мен хат олишга олавераман-у, лекин уни бошқаларга ўқитаман (*Эрига*). Уқи.

Простаков (*узоқ вақт хатга тикилиб туради*). Мунча бадхат бўлмаса.

Простакова хоним. Сени ҳам, отахон, бойвучча қизлардек папалаб ўстиришганга ўхшашади. Укажон, ўзинг ўқиб юбор.

Сўқимбоев. Менми? Умрим бино бўлиб бир сатр нарсга ўқи-

ган эмасман, опажон! Бу диқдинафас ишдан худонинг ўзи асраган мени.

Софья. Хўп десангиз, ўзим ўқиб берай.

Простакова хоним. Ҳо, ойим қиз! Аноий йўқ. Биламиз, саводхонсан, лекигин, ишонмайман сенга. Ҳадемай, Митрофангинамнинг домласи келиб қолади, ўшанга...

Сўқимбоев. Йигитчани ўқитяпсизларми дейман?

Простакова хоним. Оҳ, нимасини айтасан, укажон! Уқий бошлаганига мана тўрт йил бўлиб қолди. Митрофангинамга тарбия бермадик десак, гуноҳ бўлади. Бир эмас учта муаллим ёллаганмиз. Ҳалимзода деган сўфи савод чиқаради. Рақамий деган истеъфога чиққан бир сержант арихметика ўргатади. Иккалови бу ерга шаҳардан қатнайди. Шаҳар ҳам бизга яқин — бор-йўғи уч қақирим келади. Француз тили билан бошқа ҳамма илму ҳикматларни Адам Адамич Аварарман деган немис ўқитади. Буни-сига йилга уч юз сўмдан тўлайман. Яна, биз билан бирга овқат ейди. Қийим-кечакларини чўриларимиз ювиб беради. Бирор ерга бораман, деса, тагида от. Овқат олдидан бир стакандан вино ичиб туради. Кечасига шам берамиз, яна хизматкоримиз Фомка паригини текинга тўғрилаб беради. Очигини айтсам, биз ҳам ундан хурсандмиз, жигарим. Болани қийнамайди. Ахир, ўзинг биласан, Митрофангинам ҳали нораства, уни авайлаб, эркалаб ўстириш керак, беш-ўн йилдан кейин, худо кўрсатмасин, хизматга кирса борми, бошига не-не қийинчиликлар тушмайди, дейсан. Ҳар ким пешонасига ёзилганини кўради, укажон. Лекин бизнинг Простаковлар авлоди ҳеч нарса қилмай ҳам мансабга миनावеради. Ушалардан Митрофанжоннинг қаери кам? Ие! Ана азиз меҳмонимиз ҳам келиб қолдилар.

VII САҲНА

Ушалар ва Правдин.

Простакова хоним. Укажон, азизим, бу киши муҳтарам меҳмонимиз жаноб Правдин бўладилар. Бу эса, тақсирим, менинг иним.

Правдин. Сиз билан танишганимдан беҳад хурсандман.

Сўқимбоев. Жуда соз, тақсирим. Фамилиянгиз нима эди, эшита олмай қолдим.

Правдин. Фамилиям Правдин, яхшилаб эшитиб олинг.

Сўқимбоев. Қаерда туғилиб ўсгансиз, тақсир? Қишлоқларингиз борми?

Правдин. Агар билишингиз шарт бўлса, айтишим мумкин: мен Москвада туғилганман. Қишлоқларим шу вилоятда.

Сўқимбоев. Бир нарсани сўрасам майлими, муҳтарам афан-

дим, исми шарифларини билолмадим, қишлоқларингизда чўчкалар борми?

Простакова хоним. Бе, қўйсанг-чи, ука, шу маҳалда чўчкаларга бало борми. Яхшиси бошимизга тушган мусибат тўғрисида сўзлашайлик. (*Правдинга.*) Гап бундай, афандим. Худои таолонинг иродаси билан мана бу қизни асраб олган эдик. У тоғасидан мактуб олипти. Тоғалари у дунёдан туриб мактуб ёзипти. Утиниб сўраймиз, шу мактубни бизга овоз чиқариб ўқиб берсангиз.

Правдин. Афв этасиз, хоним. Мен бировнинг номига ёзилган мактубни, этасининг рухсатисиз ўқишга журъат этолмайман.

Софья. Утинаман сиздан, ўқиб беринг. Беҳад хурсанд қиласиз мени.

Правдин. Агар сиз шуни истасангиз, марҳамат (*ўқийди.*) «Муҳарама жияним! Мен иш юзасидан бир неча йилгача қариндошларим билан дийдор кўришолмай яшашга мажбур бўлган эдим; орамиздаги масофанинг олислиги эса сизлардан хабар олиб туришимга имкон бермади. Мана энди, бир неча йил Сибирда яшаганимдан кейин, Москвага қайтиб келдим. Энди мен, ҳалол меҳнат ва виждон билан ҳам яхши яшаш мумкин, деган фикрни исботламоқ учун намуна бўла оламан. Мазкур воситалар билан менинг бахтим очилиб, ўн минг сўм пул тўпландим...»

Сўқимбоев ва иккала Простаковлар. Вуй, ўн минг!

Правдин (*ўқийди*). «Шу пулни, севикли жияним, сенга мерос қилиб бермоқчиман...»

Простакова хоним. Сенга мерос қилиб бермоқчи! } (*баравар*)

Простаков. Софьяга мерос қилиб бермоқчи!

Сўқимбоев. Уни меросхўр қилмоқчи!

Простакова хоним (*Софьяга ташланиб, уни қучоқлай бошлайди*). Вой ўзим ўргилай Софьяхондан. Муборак бўлсин, тасаддуқ! Севинганимдан теримга сиғмай кетдим! Энди сенга яхши қайлиқ топиш керак. Мен, мен, ҳатто Митрофанжонимга ҳам сендан бошқа қаллиқни раво кўрмайман. Тоға деган мана бунақа бўпти! Меҳрибон ота ана шунақа бўлади, ўзим ҳам, доим ўз паноҳида асрагандир, тирик бўлса керак, деб кўнглимдан ўтказиб юрардим.

Сўқимбоев (*қўлини чўзиб*). Қани, опажон, кел, бор барака топ, қила қолайлик тезроқ.

Простакова хоним (*Сўқимбоевга пичирлаб*). Сабр қил, ука. Мунча шошмасанг. Олдин ўзидан сўрайлик, ҳали у сенга тегишни хоҳлайдими, йўқми?

Сўқимбоев. Нима! Жинни-минни бўлдингми? Наҳотки, ундан сўрамоқчи бўлсанг, ҳали, тавба!

Правдин. Хатнинг бу ёғини эшитасизларми?

Сўқимбоев. Нима кераги бор? Ун йил ўқисанг ҳам, ўн минг сўмдан тузукроқ гап чиқмайди бари бир.

Простакова хоним (*Софьяга*). Софьяхон, гиргиттон! Юрменинг бўлмамга. Сенга айтадиган жуда зарур гапларим бор. (*Софьяни бошлаб олиб чиқиб кетади*).

Сўқимбоев. Ажаб! Назаримда, бугун фотиҳа ўқитолмайдиганга ўхшайман.

VIII САҲНА

Правдин, Простаков, Сўқимбоев, малай.

Малай (*ҳаллослаб югуриб кириб. Простаковга*). Тўрам! Тўрам! Солдатлар келишди. Бизнинг қишлоғимизда манзил қуришди.

Простаков. Шўримиз қуриди! Ана холос! Энди бизни хонавайрон қилишади.

Правдин. Нега бунча қўрқиб кетдингиз?

Простаков. Э, отагинам, асти сўраманг! Бу солдатлар, бошимизга не-не кунларни солишмаган. Мен уларнинг кўзига кўринганим қўрқаман.

Правдин. Асло қўрқманг. Уларнинг бошлиғи офицер бўлса керак, албатта. Офицерлик номуси бундай сурбетликка асло йўл қўймайди. Юринг, унинг олдига бирга чиқамиз. Аминманки, сиз бекорга безовта бўляпсиз.

Правдин, Простаков ва малай чиқадилар.

Сўқимбоев. Мени ёлғиз ташлаб кетишди. Бекор тургандан кўра, бир молхоналарни айланиб, хумордан чиқай.

Биринчи парда тугади



ИККИНЧИ ПАРДА

I САҲНА

Правдин, Милон

Милон. Бу ерда тасодифан учрашиб қолганимиздан беҳад хурсандман, азиз дўстим! Айт-чи, қандай қилиб...

Правдин. Қандай қилиб бу томонларга келиб қолганим сабабини сенга айтиб бераман, дўстим. Мен бу вилоят ноибхонасига вакил қилиб тайинланганман ва теварак-атрофни айланиб, кўздан кечириш ҳақида фармон олганман; айни пайтда, мен ўз одамлари устидан ваҳшиёна зулм ўтказаяётган бадхоҳ, жаҳолат аҳлини ҳам қалбим амри билан кузатиб юрибман. Губерния ноибининг бу борада қандай фикрда эканлиги сенга аён. Узинг биласанки, аҳли мазлумга доим мурувват қилиб келади! Бу хатти-ҳаракат билан у малика ҳазрати олияларининг сиёсатини ғоят зўр жонбозлик билан рўёбга чиқармоқда! Биз шу нарсага ишонч ҳосил қилдикки, муассаса қонунлари мажмуасида зикр этилганидек, қайси вилоятнинг қайси қишлоғи ноибхона вакили назорати остида бўлса, ўша ерда аҳоли турмушининг фаровонлашуви муқаррар экан. Мен уч кундан бери шу ердаман. Қолганимдан бери шундай мудҳиш ҳолнинг шоҳиди бўлдимки, азиз дўстим, таажжубдан ҳангу манг бўлиб қолдим: қишлоқ беги — заминдор ғирт овсар, хотини эса шундай иблис табиат, жодугар аёл эканки, унинг дастидан қишлоқда ҳеч кимга кун йўқ экан. Сен нега бунча ўйга толиб қолдинг, дўстим, хўш, кўпга келдингми бу ерга?

Милон. Бир неча соатдан кейин жўнаб кетаман.

Правдин. Нега бунча тез? Дамингни ол.

Милон. Иложим йўқ. Солдатларни зудлик билан Москвага олиб бориш буюрилган менга... Кейин, ўзимнинг ҳам Москвага тезроқ етиб олишга сабрим чидамаяпти.

Правдин. Бунинг боиси нима?

Милон. Сенга юрак сиримни очишим мумкин, азиз дўстим! Мен севаман, шунингдек, севилиш бахтига ҳам муяссарман. Лекин, дунёда мен учун энг азиз сиймо бўлган ўша маҳбубамни кўрмаганимга ярим йилдан кўпроқ вақт ўтди, яна энг кўнгилсиз томони шундаки, шу вақт ичида ундан на бирон хат олдим, на хабар. Маҳбубамнинг мактубларимга жавоб ёзмаслигини мenden

кўнгли қолганга йўйиб, кўпинча қаттиқ ўксирдим, бироқ яқинда тўсатдан мудҳиш хабар олдим-у, ҳайратда қолдим. Қиз шўрликнинг онаси қазо қилипти, шундан кейин уни аллақайси узоқ қариндоши ўз қишлоғига олиб кетипти. У қариндошининг кимлиги-ям, маҳбубамни қаёққа олиб кетганиям менга қоронғи. Шўр пешона қиз балки бирорта таъмагирнинг чангалига тушгандир, у золим ҳимоясиз етимча қизнинг бошига не-не азобларни солаётганикин. Шуларни ўйласам, хуноб бўлиб кетаман.

П р а в д и н. Айнан мана шу хонадонда ҳам мен ўша сен тилга олган иллатларнинг шоҳиди бўлдим. Бироқ яқин орада беканинг жоҳиллигига ва эрининг овсарлигига чек қўйсам керак деган умиддаман. Мен бу ердаги бедодликлар ҳақида раисмизга муфассал хабар қилдим, умидворманки, буларга барҳам беришлари муқаррар.

М и л о н. Сен, дўстим, бахтлисан, зеро бахтиқаролар қисматини енгиллаштирасан. Мен эса, шундай ғуссали аҳволдаманки, фарёд чекиб, бошимни қаёққа ураримни билмайман.

П р а в д и н. Маҳбубангнинг исмини билсам бўладими?

М и л о н (*шодланиб кетиб*), О! Мана унинг ўзин.

И С А Ҳ Н А

Ушалар ва Софья.

С о ф ь я (*севиниб*). Милон! Сенмисан, жоним!

П р а в д и н. Қандай мўъжиза!

М и л о н. Мана, менинг қалбим ҳокимаси бўлмиш маҳбубам. О, менинг азизим Софья! Айт-чи менга, не сабабдин бу ерга келиб қолдинг?

С о ф ь я. Сен жўнаб кетганингдан кейин, ҳижронда не-не савдолар тушмади менинг бошимга! Ноинсоф қариндошларим...

П р а в д и н. Дўстим! Софьянинг қанчалик аччиқ изтироб чеканини сўрама... Мен сенга айтиб бераман бечоранинг қандай дағалликларга бардош...

М и л о н. Қасофатлар!

С о ф ь я. Лекин бу ерлик бека ойим бугун биринчи марта мен билан бошқача муомала қилди. Бу дағал, шаллақи хотин, мени тоғамнинг меросхўри эканлигимни эшитиб қолди-ю, шу заҳотиёқ энг разилона тарзда менга хушомад қила бошлади, гапининг мазмунидан, мени ўзига келин қилмоқчи.

М и л о н (*тоқати тоқ бўлиб*). Ундан нафратланишингни рўй-рост айтиб солмадингми?...

С о ф ь я. Йўқ...

М и л о н. Бошқа одамни севаман, унга сўз бериб қўйганман, деб ҳам айтмадингмики...

Софья. Йўқ...

Милон. О! Ана энди мен тамом бўлдим. Рақибимнинг иқболи баланд экан! Унда жамики инсоний фазилатлар мужассамлашганига имоним комил. У идрокли, ўқимишли, илтифотли йигит бўлса керак; лекин сени у мен севганчалик жондан ортиқ сева олармикин...

Софья (истеҳзо билан). Асти сўрама! Агар уни кўрганингда эди, рашкиннинг чеки бўлмасди!

Милон (ғазаб билан). Мен унинг нақадар фозил йигит эканлигини тасаввур қиляпман.

Софья. Ҳаммасини тасаввур қилолмайсан ҳам. Гарчи у энди ўн олтига кирган бўлса ҳам, шундай ақли расоки, ундан нарига ўта олмайди энди.

Правдин. Нега ўта олмас экан, ойм қиз! У абжадни бити-ряпти, кейин ҳафтиякка ўтса ҳам ажаб эмас.

Милон. Нима? Менинг рақибим ҳали шунақа одамми? О, менинг маҳбубам Софья, нега мени ҳазилларинг билан бунчалик изтиробга солмасанг? Биласан-ку, ошиқнинг кўнглини ранжитиш учун арзимаган шубҳа ҳам кифоя қилади.

Софья. Ўзинг ўйлаб кўр, мен гоят мушкул аҳволда эдим! Ҳаттоки шу бемаъни таклифга ҳам қатъий жавоб беришга ожиз эдим. Мен бу ердаги дағал одамлар зулмидан халос бўлиш, озгина бўлса ҳам эрка муяссар бўлиш учун ўз ҳиссиётларимни пинҳона тутишга мажбур бўлдим.

Милон. Нима деб жавоб қилдинг бўлмаса?

Худди шу пайт сахнадан Сўқимбоев ўйчан ҳолда ўта бошлайди, уни ҳеч ким кўрмайди.

Софья. Инон-ихтиёрим тоғамнинг қўлида, мактубида ўзлари бу ерга келмоқчи бўлганларини ёзибдилар, деб айтдим. (Правдинга.) Лекин мактубни охиригача ўқишингизга жаноб Сўқимбоев имкон бермади.

Милон. Сўқимбоев?

Сўқимбоев. Мен!

III САҲНА

Ушалар ва Сўқимбоев.

Правдин. Уят эмасми, оёқ учида келиб гап пойлаш, жаноб Сўқимбоев! Сиздан бунни кутмагандим.

Сўқимбоев. Нима қилибман? Мен ўз йўлимда кетаётувдим, бирдан отимни айтиб чақириб қолишди, овоз бердим. Одатим ўзи шунақа: кимда-ким Сўқимбоев! — деб чақирса, ўша заҳоти: «Мен!» — деб жавоб қиламан. Нима, биродарлар, ишонмаяпсизми? Мен гвардияда хизмат қилганман, капрал бўлиб истеъфога чиқ-

қанман. Ҳар кун и йўқлама бўлганида: Тарас Сўқимбоев! — деб қичқиришарди. Ушанда камина овозимнинг борича: Мен, деб бақирардим.

П р а в д и н. Ҳозир биз сизни чақирганимиз йўқ, шунинг учун, йўлингиздан қолмай кетаверишингиз мумкин.

С ў қ и м б о е в. Ҳеч қасққа кетаётганим йўқ, бекорчиликдан ўй-ўйлаб, санғиб юрибман. Одатим ўзи шунақа, бир нима миямга ўрнашиб қолдим, уни пона қоқиб бўлса ҳам чиқариб ташлолмайсан. Мен сизга айтсам, ниним, миямга нима фикр келса, худди зулукдек чиппа ёпишиб олади. Чунончи, нечун хобимда кўрганларим худди ўнгимдагидек, ўнгимда кўрганим хобимдагидек бўлиб туюларкан, деб бош қотираман.

П р а в д и н. Хўш, ҳозир бошингизни нима қотирыпти?

С ў қ и м б о е в. О, биродари азиз, қадрдон дўстим! Қиёмат ишлар бўляпти. Бамисоли мўъжиза дейсан. Опам мени оёғимни ерга теккизмасдан қишлоғимдан олиб келди, энди башарти, худди шу тахлитда яна ўз қишлоғимга жўнатгудек бўлса, ҳалол виждон билан бутун оламга: опам мени сув бўйига олиб бориб суғормай жўнатди, деб жар солишим мумкин.

П р а в д и н. Қандай аянчли ҳол, жаноб Сўқимбоев! Опангиз сизни копток қилиб ўйнапти.

С ў қ и м б о е в (*қаҳри қайнаб*). Копток қилиб? Худо сақласин! Аччиғим чиқса опамни ўзим шундоқ тепайки, бутун қишлоқ одамлари бир ҳафта қидириб топиша олмасин.

С о ф ь я. Вой, жудаям жаҳлингиз ёмон экан-ку!

М и л о н. Нима бўлди сизга?

С ў қ и м б о е в. Бинойдаи, эсли-хушли одамсан, ўзинг ўйлаб кўр. Опам мени бу ерга уйлантиргани олиб келган эди. Энди бўлса, тирриқлик қилиб: «Вой, укажон, хотинни бошингга урасанми, сенга бўрдоқи чўчқалар бўлса бўлди-да», — деб кўкрагимдан итаряпти. Йўқ, опажон! Мениям орзу-ҳавасим бор, мен ҳам ўз сўқимваччаларим бўлишини истайман. Йўқ, гўл қилиб бўпсан мени.

П р а в д и н. Назаримда, жаноб Сўқимбоев, опангиз тўй тарадудини кўраётганга ўхшайди, лекин сизнинг тўйингизни эмас.

С ў қ и м б о е в. Бе, қўйсанг-чи, ука! Мени биров билан ишим йўқ. Ҳар ким ўз қаллиғига уйланаверсин. Менга бировники керакмас, меникига ҳам биров кўз олайтирмасин. (*Софьяга*.) Сен қўрма, бўйидан. Сени ҳеч ким тортиб ололмайдимендан.

С о ф ь я. Вой, бу нимаси? Топган гапини қаранг-у!

М и л о н (*чинқириб*). Қандай сурбетлик!

С ў қ и м б о е в (*Софьяга*). Нимадан чўчиб кетдинг?

П р а в д и н (*Милонга*). Келиб-келиб шу Сўқимдан аччиғлана-санми?

С о ф ь я (*Сўқимбоевга*). Наҳотки сизга хотин бўлиш ёзилган бўлса пешонамга?

Милон. Бу шармандаликка ортиқ чидаб туролмайман!

Сўқимбоев. Ҳар кимгаям пешонасига ёзилгани насиб қилади, жонгинам! Пешонанг ярқираган қиз экансан. Қисматингдан нолима — гуноҳ бўлади. Менга тегсанг, роҳатда яшайсан. Сенинг ўн минг сўмлик даромадинг ахир ҳазилакам гап эмас! Бахтимдан ўрғилай, умрим бино бўлиб бунақа кўп пулни кўрмаганман, мен бу пулга ёруғ жаҳондаги жамики чўчқаларни сотиб оламан; шундай ишлар қилайки, «бу вилоятда фақат чўчқалар фаровон ҳаёт кечиради» — деб оламга овоза қилишсин.

Правдин. Модомики, қишлоғингизда фақат чўчқалар бахтли яшаркан, улардан ва сиздан хотинингизга тинчлик бўлмайди.

Сўқимбоев. Тинчлик бўлмайди! Йе! Йе! Йе! Уйимда қоналар камми? Бурчакдаги ҳужрани унинг бир ўзига бериб қўяман, гишт супасиям бор. Азиз дўстим, кўзимни чирт юмиб, ҳар битта чўчқамни алоҳида-алоҳида оғилга қўядиган бўлганимдан кейин, наҳотки хотинчамга биронта шинамгина ҳужра ажратиб беролмасам?

Милон. Қандай ҳайвоний муқояса!

Правдин (*Сўқимбоевга*). Овора бўласиз, жаноб Сўқимбоев! Мен сизга айтсам, опангиз Софьяни ўз ўғилчасига олиб бермоқчи.

Сўқимбоев. Лаббай? Жиян тоғанинг насибасига чанг соладиган бўпти-да ҳали! Мей уни абжағини чиқариб ташлайман. Агар Софьяга уйланмасам ё мен тўнғиз боласи бўлай ёки Митрофан тўнғиз кўпсин.

IV САҲНА

Ушалар, Еремеевна ва Митрофан.

Еремеевна. Бирпасгина дарсингни ўқисанг-чи.

Митрофан. Яна гинг десанг, жодугар кампиршо, жиғингни эзиб қўяман; оймга айтиб, худди кечагидақа қилиб, сочларингни биттама-битта юлдираман.

Сўқимбоев. Қани, яқинроқ кел-чи, жиян.

Еремеевна. Тоғанг чақиряпти, бора қол.

Митрофан. Салом, тоға! Намунча тепа сочинг тикка бўлиб кетяпти?

Сўқимбоев. Митрофан! Қани, кўзимга тик қара-чи!

Еремеевна. Қарай қол, тоғаннинг кўзига, отам,

Митрофан (*Еремеевнага*). Нима, тоғамни кўрмабманми? Ё бир нарсаси бор эканми?

Сўқимбоев. Сенга айтяпман, кўзимга тик қара.

Еремеевна. Тоғажонингнинг жаҳлини чиқарма. Қара, кўзларининг астар паҳтаси чиқиб кетяпти, сен ҳам кўзингни шунақа бақрайтир, отагинам.

Сўқимбоев билан Митрофан кўзларини бақрайтирганча бир-бирларига тикилишади.

М и л о н. Ана ҳангома!

П р а в д и н. Охири бахайр бўлсин.

Сўқимбоев. Митрофан! Ҳозир ҳаётинг қил устида турипти. Ростингни айт, гуноҳдан қўрқмаганимда-ю, сенга гинг демасдан, оёғингдан ушлардим-да, чирпирак қилиб деворнинг қиррасига урардим. Лекин айбдорни топмай туриб, бировнинг жонига жавр қилишни истамайман.

Еремеевна (*зор қақшаб*). Вой, ўлдириб қўяди! Шўримга шўрва тўкилди!

М и т р о ф а н. Нима, эсинг жойидами, тоға? Ҳайронман, нега менга тикилинч қилиб қолдинг?

Сўқимбоев. Жонингдан умидинг бўлса, рост гапир, тулкилик қиладиган бўлсанг, бир уриб, асфаласофилинга юбораман. Бунақа пайта йўлимни тўсолмайсан. Фельим шунақа. Худо ва подшо олдида айбдорман. Ҳў-ўй бола, бекорга калтак емай десанг, ўз жонингга қасд қилма.

Еремеевна. Тухматдан худонинг ўзи асрасин!

Сўқимбоев. Уйланишни хоҳлайсанми?

М и т р о ф а н (*талтайиб*). Сўраб нима қиласан, тоға? Анчадан бери фикру зикрим шу-ку...

Сўқимбоев. (*Митрофанга ҳамла қилиб*). Вой, чўчка-е!..

П р а в д и н (*Сўқимбоевнинг йўлини тўсиб*). Жаноб Сўқимбоев! Қўлингизга эрк берманг.

М и т р о ф а н. Энага, мени пана қил!

Еремеевна (*Митрофанни пана қилиб, қони қайнаб ва муштарини дўлайтириб*). Ўлсам ўламан, аммо болани черттирмайман. Қани уриб кўр-чи, тақсирим, уриб кўр-чи. Нақ кўзларингни бу ёққа ўйиб олай.

Сўқимбоев (*қалтираб, пўписа қилиб, чиқиб кетади*). Хаф санларними ҳали!

Еремеевна (*дағ-дағ қалтираб, унинг орқасидан*). Менинг ҳам дастпанжам сеникидан қолишмайди!

М и т р о ф а н (*Сўқимбоевнинг орқасидан*). Туёғингни шиқиллат, тоға, даф бўл!

V С А Ҳ Н А

Ушалар ва эр-хотин Простаковлар.

Простакова хоним (*саҳнага кириб келаркан, эрига*). Шуниям эплай олмасан-да, тасаддуқ. Ўзингам аммамнинг бузоғидек лалайганинг лалайган.

Простаков. Кўз очиб юмгунимча Правдин билан иккови
гойиб бўлди-қолди. Менда нима гуноҳ?

Простакова хоним (*Милонга*). Вой айланай, отагинам!
Жаноб офицер! Сизни қишлоқда қидирмаган жойим қолмади,
сизга, отахон, ўз миннатдорчилигимни билдириш учун эримни ҳо-
ли-жонига қўймай зир югуртирдим.

Милон. Нима ҳожати бор, хоним афанди?

Простакова хоним. Вой, нега ҳожати бўлмас экан, ота-
гинам! Аскарларинг бирам одобли эканки. Шу пайтгача биронта
чўпга ҳам тегишмади. Сен, отам, ранжима, менинг нотавон эрим
сени кўздан қочириб қўйгани учун. Азиз меҳмонни иззат-икром
билан қарши олишга бирам ношудки. Эрим ўзи туғилганида шу-
нақа лаванг эди, отахон.

Милон. Мен асло айбга йўймайман буни, хоним афанди.

Простакова хоним. Бу ернинг тили билан айтганда, ота-
гинам, эримнинг қоқшол касали қўзиб қоладиган одати бор. Баъ-
зан кўзларини бақрайтирганча, соатлаб қоққан қозиқдай туриб
қолади. Мен уни не-не кўйларга солмадим, не-не қийноқларимга
чидамади! Ҳеч нима кор қилмади. Дарди бедаво экан, мен сизга
айтсам. Башарти қоқшоллиги ўтиб, ҳушига келгудек бўлса, ота-
хон, жағи очилиб, шунақаям бемаъни гапларни вайсай бошлай-
дики, илойим, бу кунидан кўра яна қоқшол дардига мубтало қил,
деб худога илтижо қила бошлайсан.

Правдин. Ҳар на бўлгандаям, хоним афанди, эрингизнинг
фёлидан зорланмасангиз бўларди. У ювош...

Простакова хоним. Вой, қўйдаи ювош, отам; шунинг
учунам уйимиздаги ҳамма хизматкору чўрилар бебош бўлиб ке-
тишган. Хонадонда қаттиққўл бўлиш, айбдорни дарҳол қаттиқ
жазога мустаҳиқ қилиш кераклиги унинг хаёлига ҳам келмайди.
Ҳаммасини ўзим эплаштираман, отахон. Эрталабдан кечгача жа-
ғим тинмай жавраганим-жавраган, тилим ҳам тинмайди, қўлим
ҳам, бирини қарғайман, бирини калтаклайман; шунақа қилиб
хонадонни бошқариб, рўзғорни тебратиб турибман, отагинам!

Правдин (*четга*). Ҳадемай бу рўзғор бошқача тарзда теб-
ратилади.

Митрофан. Бугун ҳам ойим эрталабдан бери қароллар би-
лан овора бўлдилар.

Простакова хоним (*Софьяга*). Муҳтарам тоғажонинг
учун хона ҳозирладим. Кўзларим тўрт бўлиб кутяпман ўша мў-
табар қарияни. Унинг ҳақида кўп гаплар эшитдим. Душманлари-
нинг айтишича, у сал бадқовоқроқмиш, аммо бирам доно, бирам
зуккомишки, башарти биронта одамга меҳри тушиб қолгудек бўл-
са, жон-дили билан яхши кўриб қолармиш.

Правдин. Лекин у киши ёмон кўриб қолган одам, муқар-
рар, ярамас одам бўлади. (*Софьяга*). Мен ҳам тоғангизни таниш

шарафига муяссарман. Боз устига, унинг тўғрисида кўпчиликдан эшитган гапларим, менинг қалбимда унга нисбатан самимий меҳр ва эҳтиром ҳиссини уйғотди. Уни бадқовоқ, қўрс одам дейишларига келсак, бу хислат унинг ҳақгўйлигидан далолат беради. Зеро унинг дили «йўқ» дейдиган бўлса, тили «ҳа» деб асло зид гапирмагай.

Софья. Ва лекин тоғам ўз бахтларига ҳам кўп заҳматлар чекиб эришдилар.

Простакова хоним. Бу ҳам бўлса худойимнинг бизга кўрсатган карами-да. Агар тоғажонинг Митрофангинамдан оталик меҳрини дариг тутмаса, менга шунинг ўзи кифоя. Софьяхон, гиргиттон! Тоғажонингнинг хонасини қандай бежаганимни бир кўриб чиқмайсанми?

Софья чиқади.

Простакова хоним (*Простаковга*). Яна меров бўлиб қолдингми, отагинам; Софьяни кузатиб чиқмайсанми, тақсирим. Ё оёғинг шол бўлиб қолдимми?

Простаков (*чиқаркан*). Шол бўлишга-ку бўлгани йўқ-а, лекин тиззаларим қалтираб кетяпти.

Простакова хоним (*меҳмонларга*). Менинг биттаю битта ташвишим ҳам, қувончим ҳам — Митрофанжон. Мен ёшимни яшаб, ошимни ошаганман. Ишқилиб, ўғилгинам одам бўлса бўлгани.

Шу пайт ҳафтияк қўлтиқлаган Ҳалимзода билан тоштахта ва ташқалам кўтарган Рақамий пайдо бўлишади. Икковлари ҳам, кираверайликми, дегандек Еремеевнага имо-ишора қиладилар. Еремеевна уларни имлаб чақиради, лекин Митрофан кўл силтаб, силтаб уларни қайтаради.

Простакова хоним (*уларни кўрмай, гапида давом этади*). Зора-мора худойимдан бўлиб, ўғилгинамнинг пешонаси ялтираган бўлсаю бахти очилиб кетса.

Правдин. Орқангизга қаранг, хоним афанди, нима бўляпти ўзи у ерда?

Простакова хоним. Ҳа-а! Булар, отахон, Митрофангинамнинг домлалари Сидор ўғли Ҳалимзода...

Еремеевна. Пафнутий ўғли Рақамий.

Митрофан (*четга*). Икковларинг ҳам Еремеевна билан бирга қўш мозор бўлларинг.

Ҳалимзода. Ушбу хонадон бекаси ва жамики уй ичларига сиҳат-саломатлик ва узоқ умр ато этсин.

Рақамий. Офицер жаноблари юз йил, қўшув яна йигирма йил, қўшув яна тағин ўн беш йил, борингки, саноқсиз йиллар умр кечирсинлар.

Милон. Йел Узимизнинг аскар йигитлардан-ку! Қаердан келиб қолдинг, дўстим?

Рақамий. Гарнизонда хизмат қилганман, жаноб офицер! Энди истеъфодаман.

Милон. Нима қилиб кун кўряпсан?

Рақамий. Амал-тақал қилиб юрибман, жаноб офицер! Арихметикани сал-пал биламан, шунинг учун шаҳардаги гумашталар олдида кунимни ўтказиб юраман. Тангрим ҳаммага ҳам ид-роқ насиб этмаган-ку ахир: худои таоло насибамни ҳисоб-китобга ақли етмаган гумашталар орасига сочган экан, денг, улар мени гоҳ чўт қоқишга, гоҳ жамлаганларини текшириб чиқишга чорлаб туришади. Шу йўсинда куним ўтиб турипти; бекорчиликни жиним суймайди. Бўш қолган вақтларимда болаларга сабоқ ўқитаман. Мана, хоним афандининг ўғилчалари билан ҳам салкам уч йилдан бери оддий каср устида бош қотириб ётибмиз, лекин негадир ҳанузгача ҳеч иш юришмаяпти, шунақасиям бўлади, нега десангиз одамдан одамни фарқи бор.

Простакова хоним. Нима? Нима деб жавраяпсан, Пафнутий ўғли? Эшитолмай қолдим.

Рақамий. Нима дердим. Жаноб офицерга айтяпман, баъзи тўнкаларга ўн йил сабоқ бериб, ҳеч вақо тушунтира олмайсан, бошқа бир талаба айнан шу сабоқни бир эшитганидаёқ миясига қўйиб олади.

Правдин (Ҳалимзодага). Сен-чи, жаноб Ҳалимзода, ақли фозиллардан эмасмисан?

Ҳалимзода. Фозилларданман, жаноб офицер! Мазкур вилоят семинариясида таҳсил кўрганман. Илми нотикқача ўқиб бориб, сўнгра худонинг иродаси билан орқамга чекиндим. Архиерей ҳазратларига молик бўлмиш маҳкамага: «Черков қавмлариндан фалон-писмадон талаба илм-ҳикмат конининг тубсиз жар эканлигидан чўчиб, ундан фориг бўлмоқни ихтиёр қилди», деб ариза ёздим. Кўп ўтмай аризамга шундай деб лутфан ижозатнома ёзиб юборишинпти: «Фалон-писмадон талаба жамики сабоқлардан озод этилсин; зеро муқаддас китобда айтилган: нодонга ақл ўргатмоқ — эшакнинг қулоғига танбур чертмоқ билан баробардир».

Простакова хоним. Бизнинг Адам Адамич қаёқда қолдйкин?

Еремеевна. Уни ҳам чақиргани борувдим, зўрға қочиб қутулдим. Хонаси тутунга тўлиб кетипти, бегойим! Ҳаммамизни тамаки тутуни билан дудлаб ётипти, бетавфиқ.

Ҳалимзода. Бе, қўйсангиз-чи, Еремеевна! Тамаки чекиш гуноҳ эмас.

Правдин (четга). Бу, Ҳалимзода билимдонлик ҳам қилади!

Ҳалимзода. Кўпгина китобларда чекиш гуноҳ эмас деб

ёзилган; чунончи инжилда айнан бундай дейилган: «Кўкат ҳам одамизод хизматида».

Правдин. Хўш, яна қаерда ёзилган?

Халимзода. Бошқа инжилда ҳам худди шундай деб ёзилган. Бизнинг протопопда кичкинагина ҳафтияк бор, ундаям шундай ёзилган.

Правдин (*Простакова хонимга*). Мен ўғилчангизнинг сабоқ олишига халал бермоқчи эмасман, камтарин қулингиз.

Милон. Мен ҳам, хоним афанди.

Простакова хоним. Ие, қаёққа, афандилар?..

Правдин. Уни ўз хонамга таклиф қилмоқчиман. Биз эски қадрдонлармиз, дийдор кўришмаганимизга анча бўлган, гапларимиз ҳам йиғилиб қолган.

Простакова хоним. Овқатни қаерда ейшни хоҳлайсиз, биз биланми, ё ўз хонангиздами? Бизнинг столда ўз оиламиз-у, Софьяхондан бошқа ҳеч ким бўлмайди...

Милон. Сиз билан, сиз билан овқатланамиз, хоним афанди.

Правдин. Икковимиз ҳам сиз билан овқатланишдан ўзимизни бахтиёр ҳис этамиз.

VI САҲНА

Простакова хоним, Еремеевна, Митрофан, Халимзода ва Рақамий.

Простакова хоним. Энди, Митрофанжон ҳеч бўлмаса, илгари ўтган дарсларингни бир ўқиб чиқ.

Митрофан. Э, ўқиган билан ёғи чиқармиди...

Простакова хоним. Ёғи чиқмасаям, ҳар нечук, кам бўлмайсан, миёнг тўлишади, гиргиттон!

Митрофан. Қўйсанг-чи! Уқиш қулоққа кирадими. Яна тоғамни айтиб келганингни-чи.

Простакова хоним. Вой, нима? Нима деяпсан асти?

Митрофан. Ҳа! Бир камим энди тоғамнинг турткисини ейшим қолган экан; энди ҳар сафар тоғам қулоғимни тагида шовла қайнатсин-да, кейин мен ҳафтияк ўқишга ўтирай. Йўқ, қуллук, бунақада ўзимни шартта бир ёқлик қилиб қўя қоламан!

Простакова хоним (*қўрқиб кетиб*). Вой, ўлмасам, нима қилмоқчисан ўзингни? Эсингни йиғ, жонгинам?

Митрофан. Дарё ҳам ёнгинамизда. Бир шўнғийман-у, қайтиб чиқмайман...

Простакова хоним (*ҳаяжонда*). Ўлдирдинг! Ўлдирдинг! Гапингни шамол учирсин!

Еремеевна. Тоғаси чўчитиб қўйди. Сал қолди шўрликнинг сочидан юлишига. Тағин ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ...

Простакова хоним (*дағдаға қилиб*). Хўш...

Еремеевна. Уйланишни хоҳлайсанми, деб тиргилиб туриб олди...

Простакова хоним. Хўш...

Еремеевна. Уйланмоқчимисан, деб бечорага ёпишса бўладими?

Простакова хоним. Хўш...

Еремеевна. Бола бояқиш юрагини ёзиб, анчадан бери шуни кўнглим тусаб юрипти, тоға, деган эди, инингизнинг тепа сочи тиккайиб, ёпиша кетдилар, бегойим!..

Простакова хоним (*тиграб-қақшаб*). Хўш... Сен-чи, жодугар, қоққан қозикдай ғўдайиб туравердингми, укамнинг башарасига чанг солмадингми, ўша шалоқ оғзига дастпанжангни тикиб, қулоқларигача йиртиб юбормадингми?..

Еремеевна. Шундай қилмоқчи эдим! Вой, шундай шайланган эдимки... лекигин...

Простакова хоним. Лекигин... хўш, нима лекигин... сенинг боланг эмас-да, жодугар! Боламни ўлдириб қўйишса ҳам сенга бари бир.

Еремеевна. О, яратган эгам, ўзинг паноҳингга ол, шафқатингни дариг тутма мендан! Мана, тепамда худо бор, агар инингиз орқасига чекилмагандами, у билан шунақам юмдалашардимки... фақат худо насиб этмади-да. Хоҳламади. Тирноқларим (*кўрсатади*) ўтмаса тишларим билан ғажиб ташлардим.

Простакова хоним. Ҳаммаларинг ҳам оғизда ботирсанлар, муғомбирлар, амалда бўлса...

Еремеевна (*йиғлаб*). Мен сиздан жонимни аяпманми, бегойим: Бундан ортиқ яна нима қилишим керак, ҳайронман... сиз учун жон-жон деб, ҳатто... жонимни ҳам аямай елиб-югураман... шундай, бари бир, ёмонман.

Ҳалимзода. Биз қайтиб кетаверайликми? }

Рақамий. Қай томонга равона бўлайлик, } (*баравар*)
хоним афанди?

Простакова хоним. Мунча аграясан, қари алвасти! Бор, мана буларни олиб бориб, овқатлангир, овқатдан кейин, яна тўғри бу ёққа келинглар (*Митрофанга*.) Юр мен билан, Митрофанжон. Энди сени ёнимдан бир қадам ҳам нари жилдирмайман. Сенга айтадиган битта ширин гапим бор, эшитсанг, жонинг киради. Ҳадемай, дарс ўқишни тарк этадиган пайтинг ҳам келиб қолади, тойлоғим. Худога шукур, бинойидай саводинг чиқиб қолди, энди ўзингни ҳам бола кўришга ақлинг етади. (*Еремеевнага*.) Укам билан бўлса сенга ўхшаб пачакилашиб ўтирмайман. Ҳамма кўриб қўйсин энага билан она ўртасидаги фарқни. (*Митрофан билан чиқиб кетади*.)

Ҳалимзода. Турмушинг, бамисли зим-зиё жаҳаннам экан,

Еремеевна. Қани, юр, бориб тамадди қилайлик, овқат олдидан юракни ёзиш учун бир пиёла ичиб юбор...

Рақамий. Кейин яна бир пиёла отиб юборсанг... қарабсан-ки, кўпайтирув-да.

Еремеевна (*йиғлаб*). Бу кунимдан ўлгангинам яхши эмас-ми! Қирқ йилдан бери кечани-кеча, кундузни-кундуз демай қаддимни дол қилиб хизмат қилсам-у, кўрсатган каромати ҳануз ўша-ўша...

Ҳалимзода. Оладиган даромадинг дурустгинами?

Еремеевна. Йилига беш сўмдан-у, кунига беш шапалоқдан.

Ҳалимзода билан Рақамий Еремеевнани етаклаб олиб чиқиб кета бошлайдилар.

Рақамий. Юр, кампир, овқат устида йиллик даромадингни бир ҳисоблаб чиқамиз.

Иккинчи парда охири.



УЧИНЧИ ПАРДА

І САҲНА

Стародум ва Правдин.

Правдин. Эндигина дастурхондан туриб, дераза олдига борган эдим, ҳовлида каретангизни кўриб қолдим, кўрдим-у, ҳеч кимга ҳеч нима демай, сизни чин қалбдан қучоқлагани бу ёққа юғуриб чиқдим. Хуш келибсиз, самимий эҳтиромимни лутфан қабул этгайсиз...

Стародум. Илтифотинг мен учун бебаҳодир. Гапимга ишон.

Правдин. Менга бўлган бундай самимий муносабатингизни бениҳоя қадрлайман, зеро сизнинг илтифотингиз ёлғиз биздек фақирларгагина қаратилгандир...

Стародум. Гапингни қара-ю. Мен мансабни тан олмайман. Мансаб бошланган ерда — самимият йўқолади.

Правдин. Сизнинг мулоим муомалангиз...

Стародум. Менинг муомаламдан кўплар кулишади. Буни ўзим ҳам биламан. На чора. Отам менга эскича тарбия берган. Мен эса ўзимни қайта тарбиялашни лозим деб топмадим. Отам Буюк Пётр кўлида хизмат қилган. У пайтларда битта одамни «сиз» эмас «сен» деб аташган. У замонда ҳали, бир киши ўзини кўп одамдек ҳисоблашга одатланмаган эди. Ва лекин эндиликда кўпчилик жам бўлиб ҳам, бир кишичалик бўлолмаяпти. Менинг отам Буюк Пётр саройида...

Правдин. Эшитишимча, у киши ҳарбий хизматда...

Стародум. У замонларда сарой аъёнлари ҳарбий бўлишган ва лекин ҳарбийлар сарой аъёни бўлишмаган. Отам менга ўша давр нуқтан назаридан гоят яхши таълим берган. У пайтларда илм олишга қобилиятли одамлар кам эди, қолаверса, овсарлар ўз қовоқ бошларини бировнинг ақли билан тўлдиришни ҳам билишмасди.

Правдин. У замондаги тарбия, чинданам, бир неча хил қонун-қоида замирида тузилган, дейишади.

Стародум. Битта қонда замирида. Отам менга муттасил бир гапни уқдирарди: қалбинг пок, виждонинг соф бўлсин, ана шундагина ҳаммавақт, ҳар қандай шароитда чин инсон бўлиб қоласан. Қолган ҳамма нарса: ақл ҳам, билим ҳам, бамисоли ка-

мар тўқаси ё камзул тугмаси сингари ўткинчи бир мода, холос, дерди.

П р а в д и н. Ғоят ҳақ гапни айтдингиз. Инсоннинг асл фазилати бу унинг виждони...

С т а р о д у м. Шу виждон бўлмаса, энг зукко, энг доно одам ҳам аянчли бир маҳлуққа айланади. (*Зўр ҳиссиёт билан.*) Виждони йўқ оми одам — ҳайвон билан тенг. У қўл урган иш қанчалик аҳамиятсиз, майда бўлмасин, бари бир оқибат уни ғоят йирик жиноят сари етаклайди. У ўзи қилаётган иш билан уни нима мақсадда қилаётгани ўртасида ҳеч қандай фарқ сезмайди... Мен худди мана шундай маҳлуқлардан озод этгани келдим...

П р а в д и н. Жиянингизними? Хабарим бор. Жиянингиз шу ерда. Юринг...

С т а р о д у м. Сабр қил. Бу ерлик заминдорларнинг бадкорликларидан ҳамон қоним қайнапти. Яна бир неча дақиқа шу ерда турайлик. Ўзи одатим шунақа: ҳеч бир ишни томдан тараша тушгандай бемулоҳаза бошлолмайман.

П р а в д и н. Бу одатингизга амал қилиш камдан-кам одамга насиб этади.

С т а р о д у м. Ҳаёт сабоқлари мени шундай иш кўришга ўргатган. О, агарда мен илгари ҳам ҳозиргидек мулоҳаза билан иш кўра билган ва ўзимни ўзим идора қила олганимда эди, ватаним учун янада кўпроқ муҳлат хизмат қилиш шарафига муяссар бўлган бўлардим.

П р а в д и н. Нега бундай деяпсиз? Сиздек зўр фазилатли кишининг кўрган-кечирганлари ҳеч кимни лоқайд қолдирмайди, сиз мени ғоят даражада хушнуд этган бўлур эдингиз, агар бошингиздан кечганларни ҳикоя қилиб берсангиз...

С т а р о д у м. Мен буни ҳеч кимдан сир тутмайман, токим, ҳикоямни тинглаганлар, кези келиб, шундай мушкул аҳволга тушгудек бўлишса, ақл-идрок билан иш кўрсинлар. Мен ҳарбий хизматда бир ёш граф билан танишдим ва лекин унинг номини эслашни ҳам истамайман. У хизматга мендан кейин келганди, отаси саройнинг арзанда аъёнларидан эди, шунга кўра у аслзодалар даврасида тарбия кўрган ва биздекларнинг тарбиямизда ҳали учрамаган махсус одоб-тавозеларни ўрганишга муяссар бўлган эди. Мен у билан дўстлашишга астойдил ҳаракат қилдим, чунки ўз феъл-атворимдаги камчилик ва нуқсонларга шу тариқа барҳам бермоқчи эдим. Биз эндигина дўстлашган пайтимизда, уруш эълон қилингани ҳақида тасодифан хабар топдик. Мен севиниб кетиб, уни қучоқлаб олдим. «Муҳтарам граф! Мана ўзимизни кўрсатиш учун имконият туғилди. Зудлик билан қўшин сафига кирайлик-да, насл-насабимиз бизга насиб этган дворянлик унвонини оқлайлик». Шунда дўстим граф бирдан афтини бужмайтирди-да, мени қучоқлаб, қуруққина қилиб: «Оқ йўл, азизим,— деди,— отам мен-

дан ажралишни истамаса керак, деган умиддаман». Уша дақиқада ундан нақадар нафратланганимни ҳеч қандай сўз билан таърифлаб бўлмайди. Шунда мен бир нарсанинг шоҳиди бўлдим; яъни сарой арзандалари билан муътабар одамлар ўртасида баъзан осмон билан ерчалик фарқ бўларкан; натижада мен, киборлар даврасида ҳам ғоят разил одамлар учраркан ва айрим кишилар гарчи юксак маърифатли бўлсалар ҳам, беҳад даражада бахил бўлишлари мумкин экан, деган хулосага келдим.

П р а в д и н. Ҳақ рост.

С т а р о д у м. Шу зайлда мен графни қолдириб, виждоним даъват этган томонга зудлик билан жўнаб кетдим. Жанг майдонида қаҳрамонлик кўрсатишим учун имкониятлар жуда кўп бўлди. Олган жароҳатларим ул имкониятларни бекорга ўтказиб юбормаганимдан далолат беради. Саркардалар ва аскарларнинг мен ҳақимда айтган эзгу фикрлари, майдони ҳарбда кўрсатган хизматларим эвазига берилган ғоятда мақбул туҳфа эди, бироқ шу пайт ғоят нохуш хабар олдим: менинг собиқ танишим (унинг номини ҳам эслашга ор қилган эдим), ҳа, ўша граф янги унвонга сазовор бўлипти, аммо худди ўша пайтда оғир яраланиб, ўлар ҳолатда ётган, мени эса, эътиборсиз қолдиришган эди. Бундай адолатсизлик юрак-бағримни тилка-пора қилиб юборди ва мен дарҳол истеъфога чиқиб кетдим.

П р а в д и н. Бошқа нима ҳам қила олардингиз?

С т а р о д у м. Эс-ҳушимни йиғиб олишим лозим эди. Иззатнафсимга тегиб, ғашимни келтирувчи илк ҳаракатлардан ўзимни эҳтиёт қилишни билмасдим. Мен ҳали у пайтларда, ҳалол, иззатталаб одам кишининг мансабига эмас, балки унинг ишига ҳасад қилиши лозим, деб ўйлашни билмасдим; мансаб тилаб олинишини, самимий иззат-икромга эса, хизмат кўрсатиб муяссар бўлиш мумкинлигини ҳам билмасдим; чунки тунд миждоз феълим йўл қўймасди буларни тушунишга; шунингдек, хизмат кўрсатмай лавозимга минган одамдан айбсиз эътибордан қолган одам кўп жиҳатдан номуслироқ бўлишини ҳам ўйлашга имкон бермасди менинг шум феълим.

П р а в д и н. Ие, бундан чиқди ҳеч қандай вазиятда ҳам дворяннинг истеъфога чиқишга ҳаққи йўқми?

С т а р о д у м. Фақат битта вазиятда истеъфога чиқиши мумкин: башарти, ўз хизмати билан она ватанга ҳеч қандай наф келтирмаётганини юракдан сезса. Ана унда чиқавер истеъфога.

П р а в д и н. Сиз дворянлик бурчининг ҳақиқий моҳиятини баён айладингиз.

С т а р о д у м. Истеъфога чиқиб, Петербургга бордим. Бу ерда мени сўқир тасодиф шундай бир ерга бошлаб бордики, мен у ерга боришни умрим бино бўлиб, хаёлимга ҳам келтирмаган эдим.

П р а в д и н. Қаер экан у?

Стародум. Сарой. Мени саройга хизматга олишди. Хўш? Сен нима деб ўйлайсан бу борада?

Правдин. Ўзингизга қандай бўлиб туюлди у ер?

Стародум. Жуда аломат. У ерда мен шоҳид бўлган биринчи манзара шу бўлдики, сарой аъёнларининг қарийб ҳаммаси ўз қўзлаган манзилига етиб олиш мақсадида тўғри йўлдан эмас, балки айланма йўлдан юришар экан.

Правдин. Ўша йўл айланма бўлса ҳам, ҳар нечук кенггинами?

Стародум. Шунчалик кенги, башарти икки киши тўқнаш келиб қолса, якка кифт бўлишиб ҳам ўтиша олмайди. Бир йўловчи иккинчисини йиқитган тақдирдагина ўзига йўл очади ва лекин ўзига йўл очган шахс йиқилган одамни турғазиб қўйишни хаёлига ҳам келтирмайди.

Правдин. Шу боисдан ҳам у ерда манманлик авж олган...

Стародум. Манманлик эмас, аниқроғи, худбинлик авж олган. У ерда одамлар фақат ўзларини иззатлайдилар; ёлғиз ўзлари ҳақида жон куйдирадилар; фақат бугунги кунлари ҳақида қайғурадилар. Гапирсам ишонмайсан. Мен саройда, на ота-боболари ҳақида ва на келгуси авлод ҳақида бирон марта бўлсин. номига, мулоҳаза юритган кишиларни деярли учратмадим.

Правдин. Аммо, саройда давлатимиз учун фидойилик билан хизмат қилаётган мўътабар зотлар ҳам...

Стародум. О! Улардан сарой манфаатдор, шунинг учун улар саройдан кетмайдилар, ўзга тоифадаги кишилар эса, саройдан манфаатдор бўлганлари учун у ерни тарк этмайдилар. Мен биринчилар қаторида бўлолмадим, бироқ кейингилар сафида бўлишни истамадим.

Правдин. Сизни саройдагилар тушунишмаган бўлса керак, албатта?

Стародум. Шуниси яхши бўлди. Осонгина жўнаб қолдим, йўқса, икки усулдан бирини қўллаб, сиқиб чиқаришган бўларди.

Правдин. Қандай усулларни айтяпсиз?

Стародум. Саройдан, азизим, икки хил усул билан сиқиб чиқарадилар. Ё сендан аччиғланишади, ёки сени аччиғингни чиқаришади. Мен у усулниям, бу усулниям кутиб ўтирмадим. Ўз уйим-ўлан тўшагим, деб мулоҳаза қилдим-да, сарой кошоналарини тарк этдим.

Правдин. Бундан чиқди, сиз саройдан қуппа-қуруқ қайтибсиз-да? (Ўз ёнидан тамакидонини олиб очади.)

Стародум (Правдиннинг қўлидан тамакидонини олиб). Нега энди қуппа-қуруқ бўлар экан? Фараз қилайлик, бу тамакидоннинг баҳоси беш юз сўм. Уни сотиб олгани савдогар олдига икки харидор келди. Улардан бири пул тўлаб, уйига тамакидон олиб кетди. Иккинчи харидор уйига тамакидонсиз қайтди. Хўш, ўша ик-

кинчи харидор уйига қуппа-қуруқ қайтганми сенингча? Янглишасан.. У уйига беш юз сўм пулини бечиқим қайтариб олиб кетди. Мен қишлоқлар, нишонлар билан тақдирланмай, юксак мартабага минмай чиқиб кетдим саройдан, аммо уйимга ўз қалбим, ўз виждонимни поклигича, ўз дастуриламалимни бешикаст қайтариб олиб келдим.

П р а в д и н . Сиздек ҳалол, инсофли зотларни саройдан четлатиш эмас, балки саройга жалб этиш лозим.

С т а р о д у м . Жалб этиш лозим? Нима учун?

П р а в д и н . Не боисдан бемор олдига табиб чақиртиришса, шунинг учун.

С т а р о д у м . Азиз дўстим! Янглишяпсан. Дарди бедаво бемор олдига табиб чақиртиришдан ҳеч бир наф чиқмайди. Зеро табиб уни даволашга ожиздир, билъакс у бемор дардини ўзига юқтириб олиши мумкин.

И С А Х Ђ А

У ш а л а р в а С о ф њ я

С о ф њ я (*Правдичга*). Ғалва можароларидан тоқатим тоқ бўлди.

С т а р о д у м (*четга*). Тавба, қуйиб қўйгандек онасининг ўзгинаси-я. Бу менинг Софьям.

С о ф њ я (*Стародумга тикилиб қолади*). Вой, худойим! Бу киши менинг номимни тилга олди. Кўнглим сезяпти, бегона эмасиз менга...

С т а р о д у м (*Софьяни бағрига босиб*). Ҳақ рост. Сен синглимнинг қизисан, жигаримнинг фарзандисан!

С о ф њ я (*Стародумнинг қучоғига ташланиб*). Тоғажон! Ўзимда йўқ хурсандман.

С т а р о д у м . Жигаргўшам Софья! Москвага келиб, сени бу ерда мажбуран яшаб турганингдан хабар топдим. Мен олтмиш йил умр кечирдим. Гарчи умримнинг кўп қисми ранж, алам билан ўтган бўлса ҳам, аҳён-аҳёнда ўз қилмишимдан мамнун бўлган пайтларим ҳам бўлди. Ваҳоланки, маккорлик тузоғига илинган маъсум бандаларни кўрганимда юракларим изтиробдан хун бўлиб кетади. Бироқ иллат чангалидан биронта муштипарни омон сақлаб қолган пайтларимда хурсанд бўлганимдан бошим кўкка етган.

П р а в д и н . Бундай олижанобликнинг шоҳиди бўлишнинг ўзи ғоят улкан бахт!

С о ф њ я . Тоғажон! Менга қилган бу мурувватингиз...

С т а р о д у м . Ўзинг биласан, мен фақат сени деб яшаб юрибман бу дунёда. Қариган чоғимда менинг юпанчигим бўлишинг керак, менинг ғамхўрлигим эса, сени бахтли қилади. Истеъфога

чиққач, сенга яхши тарбия бериш учун моддий замин ҳозирладим, аммо ўша заминни ҳозирлаш учун, аввал онанг ва сен билан бир неча йил муддатга видолашимга тўғри келди.

Софья. Сизнинг йўқлигингиз бизни беҳад қайғуга солган эди.

Стародум (*Правдинга*). Софья бир умр муҳтожлик бетини кўрмасин учун, мен виждонни сотмасдан, мараз ишларга қўл урмасдан, она юртни таламасдан ҳалол меҳнат билан пул топадиган ўлкага бир неча йилга жўнаб кетдим, у ўлкада пул одамлардан инсофлироқ бўлган тупроқдан — риёкорликни билмайдиган, фақат меҳнат эвазига ҳалоллик ва саҳийлик билан ҳақ тўловчи жонажон ер бағридан тер тўкиб олинарди.

Правдин. Эшитишимга қараганда, сиз бениҳоя бойиб кетишингиз мумкин экан.

Стародум. Нима кераги бор бойликнинг?

Правдин. Бошқалар сингари бадавлат бўлиш учун керак.

Стародум. Бадавлат! Ким бадавлат?.. Биласанми ўзи, битта одамнинг тантиқлиги учун ҳатто бутун Сибирь ҳам камлик қилади! Азизим! Инсон тасавурида ҳамма нарса мавжуд! Табиатга амал қилсанг ҳеч қачон кам бўлмайсан. Одамлар гапига амал қилсанг, ҳеч қачон бой бўлмайсан.

Софья. Тоғажон! Гапларингиз нақадар ҳаққоний!

Стародум. Сен биронта муносиб йигитни севсанг-у, аммо у қашшоқ бўлса, мен жамғарган пул сизларни турмуш қуришларингга имкон туғдириб беради.

Софья. Ула-ўлгунимча айтганларингиз мен учун қонун бўлиб қолади.

Правдин. Лекин, Софьяхонни турмушга чиқаргандан кейин, бола-чақаларга ҳам бирон нима орттириб қўйилса ёмон бўлмасди...

Стародум. Бола-чақага? Бола-чақага бойлик қолдирайми? Уйламайман ҳам. Агар болалар эсли-хушли бўлишса, мероссиз ҳам кунлари ўтади; лекин аҳмоқ фарзандга ҳар қанча бойликдан ҳам ҳеч қандай наф тегмайди. Мен заррин кафтан кийган қовоқ бош йигитларни кўп кўрганман. Йўқ, дўстим! Нақдгина давлат — нақдгина фазилат эмас. Тўнка — гар тилладан бўлса ҳам, бари бир уни тўнка дейдилар.

Правдин. Гарчи шундай бўлса ҳам, биз шу нарсанинг шохиди бўляпмизки, аксарият пайт кишини пул лавозимга миндиради, лавозим, кишини машҳур қилади, машҳур одамларни эса эъзозлашади.

Стародум. Эъзозлашади! Инсонга фақат биргина эъзоз, яъни хушомадсиз самимий эъзоз манзур бўлмоғи лозим. Зеро пулсиз мартабага минган ва мартабасиз донг таратган кишигина сазовор бўлади бундай самимий эъзозга.

Правдин. Ғоят аниқ ва равшан хулоса чиқардингиз.

Стародум. Ие! Нима тўполон!

III — САҲНА.

Ушалар, Простакова хоним, Сўқимбоев, Милон.

Милон бир-бири билан уришаётган Простакова хоним билан Сўқимбоевни ажратишга уринади.

Простакова хоним. Қўйвор! Қўйвор, отахон! Башарасини бир бѐжаб қўяй...

Милон. Қўйвормайман, хоним афанди. Аччиғинг чиқмасин!

Сўқимбоев (*париғини тўғриларкан, тажанглик билан*). Упкангини бос, опа! Бир жаҳлим чиқмасин, жаҳлим чиқса, абжағингни чиқариб ташлайманки, дунёга келганинга пушаймон бўлиб юрасан.

Милон (*Простакова хонимга*). Ахир ўзингизнинг туғишган укангиз-ку, унутдингизми?

Простакова хоним. Вой, отахон-е! Бир кўнглим суст кетди, кел, қўй, бир юмдалашиб олай!

Милон (*Сўқимбоевга*). Ахир ўз опангиз-а!

Сўқимбоев. Сирасини айтганда, бир тезакдан бўлганмиз, лекин жикиллашини кўрмайсанми.

Стародум (*ўзини кулгидан тўхтата олмай, Правдинга*). Аччиғланиб кетаман деб қўрқувдим. Энди кулгидан ўзимни тўхтатолмаяпман.

Простакова хоним. Қимнинг кимдан кулгиси қистаяпти? Бу қанақа келгинди бўлди яна?

Стародум. Аччиғингиз чиқмасин, хоним афанди. Умрим биро бўлиб бундай кулгили воқеани кўрмаган эдим.

Сўқимбоев (*ўз бўйинини ушлаб*). Биров ўламан деса, биров куламан дейди-я.

Милон. Унча шикаст емадингизми опангиздан?

Сўқимбоев. Икки қўлим билан юзимни тўсиб олган эдим, гарданимга чанг солди...

Правдин. Оғрияптими?

Сўқимбоев. Гарданимни ништардай тешиб юборди.

Простакова хонимнинг бундан кейинги гапи вақтида Софья кўзи билан Милонга ишора қилиб, унинг олдида турган одам Стародум эканлигини билдиради. Милон бунга тушунади.

Простакова хоним. Тешиб юборди!.. Йўқ, ука, сен жаноб офицерга раҳмат дейишинг керак, у бўлмаганда мендан бунчалик осон қутула олмасдинг. Уғлимни ҳимоя қилганда ўз отамни ҳам аямайман. (*Стародумга*). Буни, тақсирим, ҳеч қандай куладиган ери йўқ. Аччиғинг чиқмасин. Мен онаман — оналик меҳри бор менда. Ўзинг ўйла, ҳеч замонда товуқ ўз жўжаларини биров-

ларга талатиб қўйганми? Сенинг кимлигингниям, кимникига келганингниям билолмаяпман.

Стародум (*Софьяни кўрсатиб*). Мана бу қизнинг олдига келдим, тоғасиман, исмим Стародум.

Простакова хоним (*чўчиб, ҳанг-манг бўлганча*). А! Сенмисан! Узингмисан, отахон! Бебаҳо, азиз меҳмонимиз! Вой овсар бўлмай мен ўлай! Шўрим қурсин, меҳрибон падарни шундай кутиб оладими киши; ахир бутун умидимиз сендан-ку, биз учун худди кўз қорачиғидек азиз ва мўътабарсан, отахон! Мени кечир. Мен аҳмоқман. Ҳеч эсим кирмади-кирмади. Эрим қани? Уғлим қаерда? Сени ҳеч ким кутиб олмабдиям: Худо урди мени: Ҳаммамиз эсимизни йўқотиб қўйдик. Ҳой, қиз! Оқсоч қиз! Палашка! Қизлар!

Сўқимбоев (*четга*). Шу эканда... тоғамиз!

IV — САҲНА

Ушалар ва Еремеевна.

Еремеевна. Нима дейсиз, бегойим?

Простакова хоним. Ҳали сен қиз бўлдингми, йўқ сен кўппакка қизсан. Нима, сен бадбашарадан бошқа оқсочларим йўқми уйимда? Палашка қаёқда?

Еремеевна. Қасал бўлиб қолди, бегойим, эрталабдан бери ётипти.

Простакова хоним. Ётипти! Вой ётмай ўлсин, муғамбир! Ётипти? Нима, аслзодамиди касал бўлади?

Еремеевна. Иситмаси жудаям баланд, бегойим, нуқул алаҳлагани-алаҳлаган.

Простакова хоним. Алаҳлаганига бало борми, яшшамагурни! Аслзода бойвуччамидики алаҳлайди! Бор, эрим билан ўғлимни чақир. Уларга айт: худойимнинг инояти билан, сеvimли қизимиз Софьяхоннинг тоғалари келдилар, уйимизга худонинг инояти билан иккинчи отамиз қадам ранжида қилдилар, деб айт. Қани, физилла, қоранг ўчгур!

Стародум. Нима ҳожати бор бунчалик безовта бўлишнинг хоним афанди! Худонинг инояти билан, мен сизга ота эмасман; шунингдек, худонинг инояти билан, мен сизга бегонаман.

Простакова хоним. Сен, отахон, томдан тараша тушгандай тўсатдан келиб, мен овсарни довдиратиб қўйдинг: кел, жила бўлмаса, яхшилаб бағримга босай сени, валенеъматимиз!...

Ушалар, Простаков, Митрофан ва Еремеевна.

Стародумнинг навбатдаги гапи пайтида, ўрта эшикдан чиқиб келган Простаков билан ўгли Стародумнинг орқасига келиб туришади. Ота, навбати келиши билан Стародумни қучоқлашга, ўгли эса, унинг қўлидан ўпишга шай бўлиб туришади. Еремеевна эса, бир чеккага чиқиб, қўлларини қовуштирганча, кўзларини Стародумга тикиб, ҳақирона қимир этмай туради.

Стародум (*Простакова хонимни истар-истамас қучоқлаб*). Бу илтифотингиз мутлақо ортиқча, хоним афанди! Шусиз ҳам ўзимни жуда яхши ҳис этган бўлардим. (*Простакова хонимнинг қучоғидан қутулиб чиқиб, бошқа томонга бурилган эди, у томонда қучоғини очиб шай бўлиб турган Сўқимбоев уни дарров қучоқлаб олади*). Қимнинг қўлига тушиб қолдим?

Сўқимбоев. Бу мен, опамнинг укасиман.

Стародум (*яна икки кишининг навбат кутиб турганини кўриб тоқати тоқ бўлиб*). Мана булар ким бўлди?

Простаков (*қучоқлаб*). Мен хотинимнинг эриман. }

Митрофан (*Стародумнинг қўлига ёпишиб*). Мен } *баравар*.
омамнинг ўғлиман.

Милон (*Правдинга*). Булардан кейин ўзимни танитмайман.

Правдин (*Милонга*). Ўзим фурсат топиб таништираман сени.

Стародум (*қўлини Митрофанга бермай*). Мана бу йигитча қўлини ўпишга уриняпти. Назаримда, улкан мартабага мишидан сабоқ беришаётган бўлса керак бунга.

Простакова хоним. Гапир, Митрофанжон. Нега энди қўлингизни ўпмай, афандим? Сиз менинг иккинчи отамсиз, де.

Митрофан. Нега энди қўлингизни ўпмай. Сиз менинг отам... (*Онасига*.) Нечанчи дединг?

Простакова хоним. Иккинчи.

Митрофан. Иккинчи? Иккинчи отамсиз, тоға.

Стародум. Мен сенга, тақсирим, ота ҳам, тоға ҳам эмасман.

Простакова хоним. Боланинг кўнглини ўкситманг, отахон, зора-мора фаришта омин деб юборса: унда, бахти очилиб, худонинг инояти билан сенинг жиянинг бўлиб қолсаям ажаб эмас.

Сўқимбоев. Вей, нима деяпсан, опа! Жиян бўлишдан мени қаерим кам?

Простакова хоним. Мен, ука, сен билан акиллашиб ўтирмайман (*Стародумга*).—Умрим бино бўлиб, отахон, ҳеч ким билан жанжаллашмаганман. Ўзи феълим шунақа. Биров мени сўкавериб турпоққа қориб ташласаям лом-мим демайман. Ҳаволаси худога. Қимда-ким мен муштипарга озор берса, худодан қайтсин.

Стародум. Бу феълингизни, хоним афанди, эшикдан кириб келмасингизданоқ пайқаган эдим.

Правдин. Мен бўлсам, уч кундан бери мушоҳада қиляпман бу хонимнинг «олижаноб» феълини.

Стародум. Бундайин хуш манзарани узоқ муддат томоша қилишга мен ожизлик қиламан. Софьяхон, жигарим, эртага эрта-лабоқ сен билан Москвага жўнаймиз.

Простакова хоним. Вой, отахон! Нечун бизга бунчалик бешафқатсан?

Простаков. Нечун бизни хафа қилмоқчисан?

Простакова хоним. Ие! Ҳали Софьяхондан жудо бўламизми? Жонажон, азиз жигаримиздан-а? Бунақада, ғам-ҳасратдан иштаҳам бўғилиб, озиб чўп бўлиб қоламан.

Простаков. Мен бўлсам, ўша заҳоти тил тортмай ўламан.

Стародум. О! Софьяни бунчалик ҳурмат қилар экансиз, унда сизларга хушxabар айтиб, кўнглингизни таскин топдирай. Мен Софьяни бахтиёр этгани олиб бораман Москвага. Кўп ажойиб фазилатли бир ёш йигитни Софьяга қайлиқликка тавсия қилишган. Жиянимни ўша йигитга турмушга бермоқчиман.

Простакова хоним. Вой, ўламан!
Милон. Бу қандай бўлди?

Софья ҳанг-манг бўлиб қолади.

Сўқимбоев. Ана холос!

Простаков қўлларини бир-бирига уради.

Митрофан. Худо кўп кўрди!

Еремеевна маъюс бош ирғатиб қўяди.

Правдин ғамгин таажжубда.

(баравар).

Стародум (ҳамманинг саросимага тушиб қоланини пайқаб). Нима бўлди ўзи? (Софьяга). Софьяхон, жигарим, сен ҳам хафа бўлдингми дейман. Наҳотки, менинг шу эзгу ниятим сени ранжитган бўлса?.. Ахир мен отанг ўрнида отаман-ку, сенга. Гапларимга ишон, отанг раҳматли амал қилган урф-одатни мен яхши биламан. Қиз бола зоти борки, ҳаммаси хушбахт бўлсин, ўзига муносиб умр йўлдоши танлаш фақат ҳар бир қизнинг ўз кўнглига боғлиқ, деб айтарди отанг. Кўнглинг тўқ бўлсин, жигарим! Агар эринг, ўзинга муносиб бўлса, у ким бўлишидан қатъи назар, менинг энг самимий дўстим бўлади. Ўзинг хоҳлаган одамга турмушга чиқавер.

Софья. Тогажон! Асло шубҳа қилманг, ҳеч бир сўзингиз ерда қолмайди.

Милон (*четга*). Одамохун киши экан!

Простакова хоним (*хушчақчак қиёфада*). Мана буни ота дейдилар! Мана бунақа ширин гапни эшитган саринг эшитгинг келади! Қўнглингга ёққан одамга тег, ишқилиб, муносиб одам бўлса бўлгани. Балли, отахон, балли, фақат муносиб қайлиқларни қўлдан бой бериб қўймаслик керак. Агар кўз остингга олган навқирон бойвачча йигитча бўлса...

Сўқимбоев. Йигитча ёшидан аллақачон чиққанмиз...

Простакова хоним. Оз бўлса ҳам, ўз мол давлатига эга бўлган...

Сўқимбоев. Чўққачилик хўжалигим ҳам чакки эмас...

Простакова хоним. Оқ фотиҳа берайлиг-у, қўша қарисин деб...

Сўқимбоев. Тўй-томошани бошлаб юбораверамиз.

Стародум. Маслаҳатларингиз самимий. Буни мен дарҳол пайқадим.

Сўқимбоев. Мени янаям яқинроқ танисанг ҳали, жуда кўп хислатларимни пайқайсан. Ҳозир, ит эгасини танимай қолди. Бир соатдан кейин ўзим ҳузурингга келаман. Ана унда ишни пиширамиз. Мақтанмайман-у, лекин мендақа одамни топиш осон эмас. (*Чиқиб кетади*).

Стародум. Мана бу гапга ишонса бўлади.

Простакова хоним. Сен, отагинам, ҳайрон бўлма укамга...

Стародум. Ҳали у укангизми?

Простакова хоним. Бир қориндан талашиб тушган иним, отахон. Мен ҳам, аслида, Сўқимбоевлар авлодиданман. Отам раҳматли онам раҳматлига уйланган экан. Онам раҳматлининг қизлик фамилияси Жўжабиржон бўлган экан. Отам билан онам ўн саккизта фарзанд кўришган: бироқ укам билан мендан бошқа ҳамма болалар худонинг хоҳиши билан қазо қилишган. Баъзилари ҳаммомда ис тегиб ўлиб қолишган. Учтаси мис қозондан сут ичиб, заҳарланиб ўлишди. Иккитаси ҳайит арафада черков қўнғироқхонасидан йиқилиб ўлди; қолганлари бўлса, ўз ажаллари билан қазо қилишди, отахон.

Стародум. Ота-онангизнинг ҳам қандай одамлар бўлишганини тасаввур қиляпман.

Простакова хоним. Қадимги замон кишиларидан эдилар, отагинам! Ҳозирги одамларга сираям ўхшашмасди. Бизларни ҳеч нимага ўргатишмаган эди. Баъзида, саховатли одамлар отам олдига келиб, ҳеч бўлмаса ўглингизни мактабга бер-

сангиз бўларди деб, қўйниларига қўл солиб кўришарди. Бе, қа-
ёқда дейсиз — савод чиқариш гуноҳи азм, деб оёқларини бир
этикка тикиб туриб олардилар падари бузрукворим, жойлари
жаннатда бўлсин! Баъзида: гайридинлардан бирон нима ўрган-
ган боламни оқ қиламан, савод чиқармоқчи бўлган Сўқим-
боев — Сўқимбоев эмас, деб бағиллаб берардилар.

Правдин. Шундай бўлса ҳам, сиз ўғлингизни баъзи илм-
ларга ўргатаяпсиз шекилли.

Простакова хоним (*Правдинга*). Ҳа, энди замона бош-
қа, отахон! (*Стародумга*.) Уғилчамизни ҳар хил илмга ўргатиш
учун ҳеч нимамизни аямаяпмиз, Митрофан жонгинам суткалаб
китобдан бош кўтармайди. Ахир она эмасманми, баъзи-баъзи-
да раҳмларим келиб, юрагим ачишиб кетади-ю, лекин; ҳар қа-
лай болам илмли бўлиб қолади-ку деб, ўзимга-ўзим тасалли бе-
раман. Мана, яқинда декабрь ойида, ўғлим ўн олти ёшга тўла-
ди. Куёв бўлса бўлгундай, аммо шу топгача муаллимларини қў-
йиб юбормай дарс қилгани-қилган, бир соат ҳам вақтини бекор
ўтказмайди, ҳозир ҳам иккита муаллими даҳлизда кутиб турип-
ти. (*Еремеевнага кўз қисиб, муаллимларни чақиришни буюради*).
Москвага бориб, бир ажнабий немисни беш йилга ишга олдик,
тагин бошқалар илиб кетмасин деб, шартномани полиция маҳ-
камасида имзоладик. Немис домла, қайси илми истасангиз,
шунини ўргатишга розиман, деди: бизга қолса, ўзи нимани билса,
шунга ўргатаверсин. Биз ота-она бурчини бекаму кўст бажар-
дик. Немисни муаллимликка олдик, ҳақини ҳам учдан бирини
олдиндан тўлаб турибмиз. Сен, отахон, ўзинг Митрофанни бир
синаб кўрсанг, қаний, нималарни ўрганганикин билимдоним?

Стародум. Мен синашга нўноқман, хоним афанди.

Простакова хоним (*Ҳалимзода билан Рақамийни кў-
риб қолиб*). Ана домлалари ҳам келишди! Митрофангинамда на
кечаси, на кундузи ҳаловат бор. Ўз боласини мақташ одобдан
эмас, лекин худо унга хотинликка насиб этган қиз асло кам
бўлмайди.

Правдин. Булар ҳаммаси яхши гап, лекин, хоним афан-
ди, шу нарсани унутмангки, меҳмонингиз Москвадан толиқиб
келди, унинг учун ҳозир ўғлингиз мақтовидан кўра ҳордиқ за-
рурроқдир.

Стародум. Рост, мен сафардан ҳам чарчаб келдим, бу ер-
да эшитган ва кўрганларим ҳам тинкамни қуритди. Бир оз ҳор-
диқ чиқарсам, девдим.

Простакова хоним. Вой, тасаддуққинанг кетай, отаги-
нам! Ҳамма нарса тайёр. Сен учун хонани ўзим тайёрладим.

Стародум. Миннатдорман, Софья, мени кузатиб қўй.

Простакова хоним. Ие, биз-чи? Ижозат бер, отахон,
мен ҳам, ўғлим ҳам, эрим ҳам сени кузатиб қўяйлик. Биз ҳам-

мамиз сени дуо қилгани Киевга яёв бориб келишга ҳам розимиз, ишқилиб, ишимизни пиширсак бўлгани.

Стародум (*Правдинга*). Қачон кўришамиз? Мен бир оз ҳордиқ чиқариб, шу ерга чиқаман.

Правдин. Мен сизни айнан шу ерда учратишга муштоқман.

Стародум. Чин қалбдан хурсандман. (*Ўзига эҳтиром билан таъзим қилган Милонга кўзи тушиб, у ҳам унга ҳурмат билан таъзим қилади*).

Простакова хоним. Марҳамат қилсинлар.

Правдин билан Милон бир томондан, қолганлар иккинчи томондан чиқиб кетишади. Саҳнада муаллимлардан бошқа ҳеч ким қолмайди.

VI — саҳна

Ҳалимзода ва Рақамий

Ҳалимзода. Шу ҳам инсофданми? Қаллаи саҳарлаб кепмиз-у, шу чоққача ҳеч вақодан дарак йўқ. Худонинг берган кун бу ерда шу зайлда тонг отади-кун ботади.

Рақамий. Э, биздақаларнинг бутун умримиз шунақа самарасиз ўтади. Иш ҳам қилмайсан, ишдан ҳам қочмайсан, фақат шуниси чатоқки, боқувни мазаси йўқ, бугун тушликка овқат ҳам қолмабди...

Ҳалимзода. Бу ёққа келаётганимда парвардигор, йўл-йўлакай черқов нонвойхонасига кириб ўт, деб дилимга солмагандами, оқшомга бориб бамисоли саёқ итдек тилим осилиб қолган бўлур эди.

Рақамий. Бу ерга келган жаноблар оққўнгиел офицерлар экан!..

Ҳалимзода. Ушбу хонадоннинг хизматкор аҳли не тарзда кун кечиради, биласанми, биродари азиз; гарчи сен аскарликда хизмат қилган бўлсанг ҳам, жангу жадалларда қатнашган бўлсанг ҳам, бу шўринг қурғурларни ҳолини кўриб даҳшатдан аъзойи баданинг дағ-дағ титрайди...

Рақамий. Ана холос! Биласанми, дейсанми? Худонинг берган кун сурункасига уч соатлаб даҳанаки жангнинг шоҳиди бўламан. (*Хўрсинади*). Шўримга шўрва тўкилсин! Дод деб юборинг келади бу надоматдан.

Ҳалимзода (*хўрсиниб*). Мен осий банданинг пешонаси шўр экан!

Рақамий. Нолишинг нечун, Сидорич?

Ҳалимзода. Сенинг ҳам руҳинг изтироб чекаптими, ибн Пафнутий?

Рақамий. Э, биродари азиз, ўйламай десанг ҳам ўйларкансан... Худо менга бир бойвачча талаба ато этган. Унга уч йилдан бери сабоқ бераман, ҳанузгача учгача санашни билмайди.

Ҳалимзода. Бу борада икковимизнинг ҳам дардимиз битта. Тўрт йилдан буён жонимни жабборга бериб сабоқ ўргатиб ётибман. Шу топгача нуқул такрорлаш билан шугулланамиз, биронта янги сабоққа ўтганимиз йўқ; эски сабоқни ҳам бўғинма-бўғин, яна маъносига тушунмай зўрға ўқийди.

Рақамий. Айб кимда? Бойвачча қўлига қалам олди дегунча, эшикдан касофат немис кириб келади. Шу билан дарсга фотиҳа ўқилади-ю, каминадан дўнг олиниб, паттамыз қўлимизга тутқазилади.

Ҳалимзода. Менда ҳам гуноҳ йўқ. Ул талаба илкига қалам олди дегунча, остонада ғайридин немиснинг рухсори намоён бўлади. Оқибат толиби илм байваччанинг пешонасидан силайдилар ва каминанинг гарданига мушт тушириб ҳайдайдилар.

Рақамий (қизишиб). Бу ишқмас текинхўрни бир бурнини ерга ишқаб солдатчасига машқ қилдириш учун ҳатто қулоғимни ҳам кесиб беришга рози бўлардим.

Ҳалимзода. Мен бўлсам, ул осий банданинг гарданини эзиб қўйиш учун ўзимни қамчи билан савалатишга ҳам рози бўлардим.

VII — САҲНА

Ушалар, Простакова хоним ва Митрофан.

Простакова хоним. Кел гиргитон, меҳмон дам олиб ётганида, номига бўлса ҳам дарсингни ўқиб тур, токим тер тўкиб заҳмат чекаётганинг қулоғига эшитилсин, Митрофанжон.

Митрофан. Хўш! Кейин нима бўлади?

Простакова хоним. Кейин уйланасан.

Митрофан. Менга қара, ойи. Майли, айтганингни қиламан. Уқийман: фақат бу охириги дарс бўлади, кейин, шу бугуноқ бизни унаштирасан.

Простакова хоним. Худо хоҳласа!

Митрофан. Мен хоҳлаган пайт бўлди. Хоҳламайман ўқишни, уйланишни хоҳлайман. Узинг мени васвасага солиб қўйдинг, энди ўзингдан кўр. Мана ўтирдим.

Рақамий қалам учини очади.

Простакова хоним. Мен ҳам шу ерда ўтираман. Сенга ҳамён тикаман, жонгинам! Софьяхоннинг пулларини солиб юрасан.

Митрофан. Қани! Бер тахтакачингни, гарнизон каламуши! Тапир, нима ёзай.

Рақамий. Нуқул мени бесабаб ҳақорат қилганингиз-қилган, тақсирим.

Простакова хоним (*иш қилиб ўтириб*). Вой, ордона! Пафнугийни бир марта сўкса сўкипти-да бола бечора! Шунга-ям аччиқлари чиқдими!

Рақамий. Нега энди аччиғим чиқаркан, бегойим? Халқимизда бир мақол бор: «Ит ҳуради, карвон ўтади».

Митрофан. Қани, бўл вайсамасдан мисолингни бер ўтган дардан.

Рақамий. Ҳадеб ўтган дарсни қайтавераркансиз-да, бойвачча. Ўтган дарсга орқа қилиб, ҳаммадан орқада қолиб кетасиз-у бунақада.

Простакова хоним. Сенинг ишинг бўлмасин, Пафнугий, Митрофангинамнинг илгарилаб кетишни ёқтирмаслиги ўзимга ҳам жуда ёқади. Негаки, бундай ақл-заковат билан олдинлаб кетишдан худонинг ўзи асрасин ўғилгинамни!

Рақамий. Масала. Чунончи сен мен билан бирга кетаясан. Майли, Сидорични ҳам бирга олиб олдик дейлик. Биз учовимиз...

Митрофан (*ёзади*). Уч.

Рақамий. Йўлдан, чунончи, уч юз сўм топиб олдик.

Митрофан (*ёзади*). Уч юз.

Рақамий. Шу пулни бўлашиб олишимиз керак. Қани бир ҳисоблаб кўр-чи, ҳар биримизга қанчадан тегаркин?

Митрофан (*ҳисобларкан, пичирлайди*). Бир карра уч-уч. Бир карра нол-ноль. Бир карра ноль-ноль.

Простакова хоним. Нимани, нимани бўлашиб олмоқчисизлар?

Митрофан. Топилган уч юз сўмни уч кишига бўлашиш керак экан.

Простакова хоним. Бекорларни айтибди, домланг, жоним тасаддуқ! Пул топсанг, ҳеч ким билан бўлашма. Ҳаммасини ўзинг ол, Митрофанжон. Асти бош қотирма унақа аҳмоқона дарсга.

Митрофан. Эшитдингми, Пафнугий, бошқа масала бер.

Рақамий. Ёз, бойвачча. Сени ўқитганим учун менга йилига ўн сўм маош берасизлар.

Митрофан. Ўн.

Рақамий. Ҳозир-ку, очиғи, ўрнимас, аммо, башарти, сен бойвачча, мендан бирон нима ўргандинг дейлик, шунинг эвазига, яна ўн сўм қўшиб берсанглар, ёмон бўлмасди.

Митрофан (*ёзади*). Ҳай, ўн сўм.

Рақамий. Жами бўлиб, бир йилга қанча олардим унда?
Митрофан (*ҳисобларкан, пичирлайди*). Нолга ноль қўш-
сак — ноль. Бирга бир қўшсак... (*ўйланиб қолади*).

Простакова хоним. Бекорга бошингни қотирма, тасад-
дуқ! Бир тийин ҳам қўшиб бермайман; кейин қайси хизматига?
Ҳеч нима ўргатолмаса. Азоб чекишга чекапсан-у, аммо ҳеч ни-
ма юкмаяпти. Пул бўлмаса — нимани ҳисоблайсан? Пул бўл-
са — Пафнугъичнинг сабоғисиз ҳам бинойндай ҳисоблай ола-
ман.

Ҳалимзода. Фотиҳангни ўқийвер, ибн Пафнугъий. Иккита ма-
сала ечиб бўлинди. Ва лекин қўрқма, тўғри-нотўғрилигини тек-
шириб ўтиришмайди.

Митрофан. Хотиржам бўл, биродар. Пул бўлса, онамнинг
ўзиям бехато санайверади. Энди, сен, Ҳалимзода, кечаги дар-
сингни ўргат менга.

Ҳалимзода (*Ҳафтиякни очади, Митрофан қўлига чўп
олади*). Тангримнинг инояти бирла, бошладик. Диққат бирла
қулоқ осиб, менинг орқамдан такрорла. «Мен — қумирсқадур-
ман...»

Митрофан. «Мен — қумирсқадурман...»

Ҳалимзода. Қумирсқа дегани жонивор, ҳайвон эрур. Де-
мак: «Мен — жонивордурман».

Митрофан. «Мен — жонивордурман».

Ҳалимзода (*сабоқ берувчи овоз билан*). «Ва ле инсон
эмасан».

Митрофан (*ўшандай оҳангда*). «Ва ле инсон эмасман».

Ҳалимзода. «Инсонни таҳқир этмак...»

Митрофан. «Инсонни таҳқир этмак...»

Ҳалимзода. «Ва камсит...»

VIII — САҲНА

Ушалар ва Аврарман.

Аврарман. Пай! пай! пай! пай! пай! Ана энти кўрип ту-
рипман! Пола пешорани тинкасини қуритмоқшика ўхшайсис!
Хоним афанти! корникта тўққис ой олип юркан чикар поранка-
қа, — яъни масалан, тунётаки саккисинши муъчисака шафқат
қил, ахир. Манави патхох синталарка эрк персанг, пунтай тоно
пошчи пир паста қовоққа айлантирип перишати... Ахир унта
диспозисон¹, ҳамма қопилият мафчут.

¹ Лаёқат (Нем. die Disposition).

Простакова хоним. Рост айтасан. Гапинг тўғри: Адам Адамич! Митрофанжон, тасаддуқ, илм мияннга зарар қиларкан, унда ўқимай қўяқолсанг ҳам бўларкан, менимча.

Митрофан. Менга қолса, аллақачон барҳам берардим илм олишга.

Ҳалимзода (*ҳафтиякни ёпаркан*). Вассалом, тамом, худога шукур.

Аврарман. Онахон! Нима мақпул сенка? Нима? Уқлинг ҳосирки қиёфасита пўлсин-у, унда хуто сохлиқ ато этсинми ё мисоли Арастутек тошинмант бўлсин-у, тўппа-тўхри қапристонка рафона пўлсинми?

Простакова хоним. Вой нима балоларни жавраяпсан. Адам Адамич! Болам шўрликнинг шундоқ ҳам кеча кечқурун иштаҳаси бўғилиб қолди.

Аврарман. Усинг ўйлап кўр, онам, қоринка ортиқша овқат тиқсанг ёмон пўлати. Ахир унинг поши қоринка қараканта анша очис, унка ортиқша ақл киритилса, хуто асрасин!

Простакова хоним. Гапинг тўғри, Адам Адамич, лекин иложинг қанча? Бола бечора илм олмай, Петербургга боргудай бўлса, уни аҳмоқ дейишади. Ҳозир донолар кўпайиб кетган. Ушалардан кўрқаман.

Аврарман. Нимаситан кўрқасан, онахон? Эси пор отам ҳеч қашон ўхлингни хафа қилмайти, у пилан паҳслашмайди, иш қилип ўси тоно отамлар пилан тенг келип, муносара талашмаса пўлкани, фароҳатта яшап юраферати!

Простакова хоним. Ана, Митрофанжон, қандай яшаш кераклигини яхшилаб эшитиб ол!

Митрофан. Узимнинг ҳам, ойи, донншмандларга ҳушим йўқ. Тенг тенги билан бўлгани яхши доим.

Аврарман. Ус улфатларингга нима етсин!

Простакова хоним. Адам Адамич! Унақа улфатни қардан оласан?

Аврарман. Хеш қайхурма, онам, хеш қайхурма; сенинг асис фарсантингга ўшшаканлар пу дунёта сон мингта, миллионта. Нека энти ўсика улфат топа олмас экан?

Простакова хоним. Ахир онасининг боласи-ку. Идрокли, чаққон бола.

Аврарман. Акар ўқиш пилан силласини қуритишмаканта, янаям чонон йикит пўларти! Расий краматкаси! Арихметка! Фой, хутоё тафпа, шўрликни чони вучутита қантай шитап туриптийкин! Кўё рус аслсотаси расий краматкасисе авансир¹ қилолмай-тикантек!

¹ Хизматда юқори мансабга кўтарилиш (нем. *avansieren*).

Ҳалимзода (*четга*). Илоё тилинга тирсак чиқсин.

Аврарман. Кўё арихметикани пилмакан отамлар қирт ахмоқ пўлишкантек!

Рақамий (*четга*). Қўлимга тушарсан. Қовурғаларингни биттама-битта санаб қўймасамми.

Аврарман. Ухлинг тунёга қантай яшашни ўрканиши лосим. Мен аслсоталар тафрасини ёттан пиламан. Ўсим туллаклартанман.

Простакова хоним. Нега энди сен аслзодаларни билмас экансан? Менимча, ҳатто Петербургдаям сен кўрмаган, билмаган нарса қолмаган бўлса керак.

Аврарман. Йўқ, онам, қолмакан. Мен ҳар тоим оломон ишита пўлишни яхши кўрартим. Паёсан, пайрамта, Қатрингофка аслсоталар тушкан исфошлар тўлланишарти. Мен пўлсам ҳеш ўша чаноплартан кўсимни усолмастим. Пир тақиқага ҳам кослатан тушмай ўтирартим.

Простакова хоним. Қанақа козладан?

Аврарман. (*четга*). Фой! Шарманта пўлтим! Нима теп қўйтим ўсим? (*Эшиттириб*). Пиласанми, онам, тоим палантан турип томоша қилиш қулайроқ. Шунинг ушун, мен пиронта таниш карета топиб унка шиқартимта, кослатан турип сотаконлар оламқа насар ташлартим.

Простакова хоним. Албатта яхшироқ кўринади-да, тепадан. Ақлли одамлар қаерга чиқишни билишади.

Аврарман. Сисни асис ўғлингис ҳам, отамларни кўриш, ўсини кўрсатиш ушун пир илоч қилип, ушанақа чойга чойлашип олар. Апчир йигит!

Митрофан турган ерида типирчилайверади.

Аврарман. Апчир йигитша! Хутти юкансис асоф оттек чойита тек турмайди. Порақол! Форт¹.

Митрофан чопиб чиқиб кетади.

Простакова хоним (*мамнун жилмаяди*). Куёв бўлай деб турипти-ю, ҳеч болалиги қолмади-қолмади-да. Бориб, кўз-қулоқ бўлиб турай, яна шўхлик қилиб, меҳмонни аччигини чиқариб қўймасин.

Аврарман. Пор, онам, порақол! У памисоли эркин қушша! Унка кўс-қулоқ пўлишинг керак.

Простакова хоним. Омон бўл, Адам Адамич! (*Чиқади*).

IX САҲНА

Аврарман, Ҳалимзода ва Рақамий.

Рақамий (*масхара қилиб*). Вой, тасқара-е!

Ҳалимзода (*масхара қилиб*). Отнинг қашқаси бўлмай ўл!

¹ Жўнал (немисча fort).

Аврарман. Нимака тишларингни иршайтирип қолтиларинг, нотонлар?

Рақамий (*Аврарманнинг елкасига уриб*). Намунча ўшшайиб олдинг, тасқара?

Аврарман. Фой, фой! Таспаншанг темиртанми тейман!

Ҳалимзода (*Аврарманнинг елкасига уриб*). Қасофат бой-ўғли! Нечун кўзингни пирпиратасан?

Аврарман (*оҳиста*). Атойи тамом пўлтим. (*Эшиттириб*). Нима, мени масах қияпсисларми тейман, йикитлар?

Рақамий. Ўзинг тўйиб-тўйиб овқатланасан, бошқаларнинг ишларига халақит қиласан, бунинг устига, яна башарангни тесқари бурганинг ортиқча.

Ҳалимзода. Қачон қараса, кеккайганинг-кеккайган, худонинг муртад бандаси!

Аврарман (*ўзини тутиб олиб*). Шунтай аллома отам олти-та пунтай нотонлик қилишка қантай ҳаттингиз сихти! Ҳозир тот соламан.

Рақамий. Шу заҳотиёқ додингни берамиз. Мен тахтакач билан...

Ҳалимзода. Қаминна ҳафтияк бирла.

Аврарман. Пекойимка устинкистан шикоят қиламан.

Рақамий тахтакачни, Ҳалимзода эса, ҳафтиякни кўтариб Аврарманга ташланадилар.

Рақамий. Башарангни беш бўлак қилиб ташлайман.

Ҳалимзода. Сен осий банданинг тишларингни қоқиб олурман.

Аврарман қочади.

Рақамий. Аҳа! Қочдингми, қўрқоқ!

Ҳалимзода. Эсинг борида туёғингни йўрға қил, касофат!

Аврарман (*эшик олдида*). Ҳа, қўлларингтан нима келти, фирипкарлар? Тумшуғингни тиқип кўрларингши.

Рақамий. Қочиб қолдинг-да. Бўлмаса додингни берардим!

Аврарман. Энти сенлардан қўрқмайман.

Ҳалимзода. Инига кириб олди, ҳароми! Сендақа гайридинлар кўпми у ерда? Ҳаммасини чиқар бу ёққа!

Авраман. Питтасини эплаштира олматинклар-ку!

Суф сисларкае!

Рақамий. Бир ўзим ўнтангни қийратаман!

Ҳалимзода. Бомдодгачайин рўйи заминдаги жами осийларни тухумини қурутгум.

} баравар

Учинчи парда охири.



ТЎРТИНЧИ ПАРДА

I — САҲНА

Софья.

Софья (*ёлғиз, соатга қарайди*). Ҳадемай тоғам чиқиб қолсалар керак. (*Утиради*). Шу ерда кутиб ўтираман. (*Қўлига китоб олиб, ундан бир неча сатр ўқийди*). Жуда тўғри. Виждон пок бўлгандан кейин нега энди юрак хотиржам бўлмас экан! (*Яна бир неча сатр ўқийди*.) Одоб-ахлоқ қондаларини севмай бўлмайди. Улар бахт сари йўл очади. (*Яна бир оз ўқиб бошини кўтаради ва Стародумни кўриб, унинг истиқболига югуриб боради*.)

II — САҲНА

Софья ва Стародум.

Стародум. А! Сен шу ердаминг, азиз жигарим!

Софья. Сизни кутиб ўтирган эдим, тоғажон. Ҳозир китоб ўқиётувдим.

Стародум. Қандай китоб?

Софья. Французча. Фенелоннинг¹ қизлар тарбияси ҳақидаги китоби.

Стародум. Фенелон?¹ Телемакнинг муаллифими? Яхши. Гарчи сен ўқиётган китобдан беҳабар бўлсам ҳам, лекин ўқийвер, ўқи. Зеро «Телемак»дек асарни ёзган одамнинг муборак қалами ҳеч қачон одоб қондаларини бадном этмайди. Сизларни ҳозирги донишмандлардан худонинг ўзи асрасин. Уларнинг рус тилига таржима этилган жамики китобларини ўқиб чиққанман. Тўғри, улар эскилик сарқитларини таг-томири билан қўпориб ташлашяпти, лекин, айни пайтда, эзгу фазилатларни ҳам йўқ қилишяпти. Утирайлик. (*Икковлари ўтиришади*). Мен сенинг дунёда энг бахтиёр одам бўлишингни чин юракдан орзу қиламан.

¹ Фенелон — XVII—XVIII асрларда яшаб ижод этган француз ёзувчиси. «Телемакнинг саргузаштлари» номли машҳур сиёсий-ахлоқий ромanning муаллифи. У «қизлар тарбияси ҳақида» деган китоб ҳам ёзган.

Софья. Биламан, тоғажон, сиз ўз ўғитларингиз билан менга фақат яхшилиқни раво кўрмоқчисиз. Менга йўл-йўриқ кўрсатингки, унга амал қилай. Қалбим сизнинг ихтиёрингизда, ўзингиз унга раҳнамолик қилинг.

Стародум. Менга кўрсатган бу илтифотингдан гоётада хурсандман. Бажону дил сенга маслаҳат бераман. Бинобарин, мен нечоғлиқ самимият билан гапирсам, сен ҳам гапларимни шунчалик диққат билан эшит. Яқинроқ ўтир.

Софья стулини яқинроқ суради.

Софья. Тоғажон! Сиз айтган сўзларнинг ҳар бири қалбимнинг энг теран ерига жо бўлади.

Стародум (*жиддий самимият билан*). Сенинг ёшингдаги қизларнинг дили бутун борлиғи билан лаззатланишни, идроки кўпроқ билишни, қалби эса ҳис қилишни истайди. Сен ҳаёт қўйнига қадам қўяяпсан энди, бунда биринчи қўйилган одим, аксарият пайтда, кишининг бутун умрга-тақдирини ҳал қилади, бундай пайтда кўпинча: сен билан учрашган энг биринчи кишиларнинг онглари номақбул тушунчага, қалблари фосиқона ҳиссиётга эга бўлади. О, азизим! Одамни одамдан фарқ қилишни ўрган, сенинг идрокинг ва қалбингга содиқ бўла оладиганлар билангина самимий дўст тутунишни одат қил.

Софья. Саховатли одамларнинг менинг тўғримда фақат яхши фикрда бўлишлари учун астойдил ҳаракат қиламан, лекин дилимга ўтирмаган одамлар ҳам бўлади: нима қилсам, ўша одамлар, мендан ачигланмасикиялар? Тоғажон, шундай бир оложини топиш мумкин эмасмики, дунёда биронта ҳам одам менга ёмонликни раво кўрмайдиган бўлсин?

Стародум. Номуносиб одамларнинг сен ҳақингда бадхоҳ фикрда бўлишларидан сен ранжимаслигинг керак. Шунин билки, нафратга лойиқ одамларга ҳеч қачон ёмонликни раво кўрмайдилар; балки, одатда, нафратланиш ҳуқуқига эга бўлган одамларга ёмонликни раво кўрадилар. Одамлар наинки мол-давлатга, наинки шон-шухратга ҳасад қиладилар: фозиллик, эзгулик ҳам ўз ҳасадчиларига эга.

Софья. Наҳотки, тоғажон, дунёда шундай аянчли одамлар бўлса, наҳотки, улар эзгу фазилатли кишиларни кўра олмаганлари учунгина дилларида ёвуз ният ҳосил қилсалар? Фозил кишилар бундай бахти қароларга шафқат қилмоғи лозим.

Стародум. Ҳа, аянчли одамлар, бу тўғри; лекин фозил кишилар уларнинг аянчли аҳволини кўриб, ўз йўлларидан қайтсинларми? Йўқ, қайтмайдилар. Ўзинг ўйлаб кўр, агарда қуёш, ожизларнинг кўзи қамашмасин деб, шуъла сочмай қўйса, қандай бахтсизлик содир бўларди.

Софья. Марҳамат қилиб менга айтсангиз, гуноҳи нима уларнинг? Ҳамма ҳам фозил бўла олишга қодирми?

Стародум. Менимча, ҳар қандай одам ҳам фозил бўлиш учун ўзида етарли куч топа олади. Фақат қатъий аҳд қилиши керак бунга, ана ундан кейин, виждон азобига тушиш мумкин бўлган ишга қўл урмаслик осон бўлади.

Софья. Одамзодни ким огоҳлантиради, ким уни виждон азобига тушишига йўл қўймайди?

Стародум. Ким бўларди? Яна ўша виждоннинг ўзи. Шунин билки, виждон доимо ҳакамлар ҳукм чиқармасдан олдин, дўст сифатида огоҳлантиради кишини.

Софья. Ана шунинг учун, кўра-била туриб ёвузликка қўл урувчи ҳар қандай бадхоҳ одам чинакам нафратга лойиқ бўлиши керак. Ундай одамнинг виждони, ўзи қилаётган ёвузликдан ҳам маразроқ бўлса керак.

Стародум. Шунингдек, агар ундай одам ўз бахтини қинғирлик билан топишни ихтиёр қилган бўлса, унинг ақл-заковати ҳам қинғир йўлдан кетган бўлади.

Софья. Мен, тоғажон, ҳамма одамлар ҳам, бахтнинг нимада эканлиги ҳақида бир хил фикрда бўлишса керак, деб ҳисоблардим. Яъни бахт теги-тахтда, бойликда...

Стародум. Шундай, жигарим! Мен ҳам теги-тахтли ва бадавлат одамни бахтли деб аташга розиман. Лекин аввал, кимларни теги-тахтли, кимларни бадавлат деб аташни келишиб олайлик. Бу борада менинг ўз мулоҳазам бор. Яъни мен бирон-бир аслзоданинг мартабаси қай даражада баландлигини унинг кибру ҳаво билан керилиб, оғизда бажарган ишлари билан эмас, балки ватан йўлида қилган хизматлари миқдори билан, ул зоти олийнинг эшигида уймалашган хизматкорларнинг сонига қараб эмас, балки унинг феъл-атвори ва ишларидан мамнун бўлган одамларнинг оз ё кўплигига қараб аниқлайман. Мана шу мен тасвирлаган аслзода одам албатта бахтли бўлади. Менинг тасавуридаги бадавлат одам ҳам шундай бахтлидир. Менинг тахминим бўйича, жарақ-жарақ пулни ҳадеб сандиғига яширувчи одам эмас, балки ўзидаги ортиқча пулни муҳтож кишиларга улашувчи одам бадавлатдир.

Софья. Қандай одилона мулоҳаза! Кишининг ташқи қиёфаси одамни алдаб қўяркан! Мен ўзим ҳам бирон нима илинжида сарой атрофида ўралашганларга ҳасад қилганларнинг кўпини кўрганман, демакки...

Стародум. Лекин ўша ҳасадгўй саройдаги ҳар қандай махлуқ ҳам бирон нима туришидан, у ерда, муқаррар, бирон нима илинжида ўралашишидан беҳабар, албатта; билишмайдики, сарой аҳлининг ҳаммаси — сарой аъени ва ҳар бир аъеннинг яна ўз аъенлари бор. Йўқ, сарой аҳлининг ҳасад қиладиган ҳеч

нимаси йўқ; улкан хизмат кўрсатмай эришилган улкан бойликни мен бойлик демайман.

Софья, Тўғри айтасиз, тоғажон! Ундай одам ўзидан бошқа ҳеч кимни бахтиёр қила олмайди ҳам.

Стародум. Асло! Ёлғиз ўзи бахтли бўлган одамни бахтли деб бўладими? Билгинки, у нечоғлиқ машҳур бўлмасин, ҳеч қачон бахридилди самимият билан очилмайди. Сен, ёлғиз ўз шахсиятингинина давруғини худбинона ўйлаган, оқибат, мўлжаллаган бутун истаклари рўёбга чиқиб, бошқа ҳеч қандай орзу-нияти қолмаган одамни тасаввур қилиб кўр. Ахир ундай одамнинг қалбиди ёлғиз бир ҳиссиётдан: бир кун эмас, бир кун бу шону шуҳратнинг миси чиқади, деган таҳликадан бўлак ҳеч қандай туйғу бўлмайди-да. Узинг айт-чи, жигарим, ҳеч қандай орзу-истаги қолмаган, билъакс, фақат кўрқув ҳиссиёти билан яшаётган одам бахтиёр бўла оладими?

Софья. Бахтиёр бўлиб кўринган одам билан чинакам бахтиёр одам ўртасида қандай тафовут борлигини кўриб турибман. Фақат бир нарсага ҳайронман, тоғажон, қандай қилиб киши фақат ўзини ўйлай оларкин? Наҳотки, бошқалар олдидаги ўз бурчи ҳақида мулоҳаза қилиб кўрмаса? Нега энди ўша пеш қилган ақл-идрокларини ишга солмайдилар?

Стародум. Ақл билан қерилишдан нима наф, жиян! Ақл, агар у ёлғиз ақлгина бўлса, у қуруқ матах, холос. Беқарор ақл эгалари ёмон эркак, ёмон ота, ёмон граждон бўлишади. Ҳаққоний ақл хушхулқ билан бирга мужассамлашганда қадри ортади. Шу фазилати бўлмаган донишмандни мен махлуқ билан тенг кўраман. Зеро бу фазилат ҳар қандай беқарор оқиллардан беқиёс даражада юксак туради. Яхшироқ ўйлаб кўрган одам буни осонгина тушуниб олади. Аҳли донолар кўп ва улар турли тоифада бўлишади. Башарти донишманд одамда биронта ақлий фазилат етишмаса, уни кечириш осон. Аммо номусли одамда қалб хислатларидан биронтаси етишмаса, уни асло кечириб бўлмайди. Зеро бундай одам барча эзгу фазилатларга мукамал эга бўлмоғи лозим. Қалб фазилатини бўлак-бўлак қилиб бўлмайди. Виждонли одам бутун вужуди билан виждонли бўлиши керак.

Софья. Сизнинг фикрларингиз, тоғажон, мен баён этишга ожиз бўлган ички ҳиссиётларим билан ҳамоҳангдир. Энди мен номусли одамнинг фазилатини ҳам, унинг бурчини ҳам жуда осон ҳис қалайпман.

Стародум. Бурч! О, азизим! Гарчи бу сўзни ҳамма ишлатса ҳам, унинг маъносига камдан-кам одам тушунади! Бу сўзни керак-керакмас жойда ишлатавериш оқибатида, бизга у шу даража сингиб кетдики, киши уни талаффуз этаркан, ҳеч нима ўйламайди, ҳеч нима ҳис қилмайди, одамлар унинг ғоят даражада муҳим сўз эканлигини тушунишганда эди, ҳеч ким уни

қалб эҳтиромсиз талаффуз этмаган бўларди. Бурч нима эканлигини ўйлаб кўр. Бу нарса — биз билан ҳамнафас бўлган ва бизни ўзига муте билган барча одамларга миннатдорчилигимизни билдирувчи муқаддас аҳди-паймондир. Агар одамлар, бурч ҳақида тумтароқ гапиришганидек уни самимият билан бажаришса эди, улар қайси табақага мансуб бўлишларидан қатъи назар, ўз иззат-нафсларига путур етказмаган ва ғоятда бахтиёр яшаган бўлишарди. Чунончи, дворяннинг қўл остида иш уюлиб ётипти, дейлик, жумладан, одамлар унинг ёрдамига муҳтож, ўзи ватан учун хизмат қилмоғи лозим; аслзода, агар у номусли бўлса, шундай пайтда ишламай қўл қовуштириб ўтиришни уччига чиққан виждонсизлик деб ҳисоблайди. Агар шундай бўлганда, ҳозир, олижаноблик фазилатлари ота-боболари билан бирга дафн этиб юборилган қалбаки дворянлар бўлмасди. Дворян номига муносиб бўлмаган дворянлар! Бундан олчқроқ махлуқ йўқ дунёда.

Софья. Шу даражада киши ўзини ерга уриши мумкинми?

Стародум. Азизим! Дворянлар ҳақида айтган гапларимни энди, умуман, одамларга татбиқ этиб кўрайлик. Ҳар кимсанинг ўз бурчи бор. Улар шу бурчларини қандай бажараётганини, чунончи, замонамизнинг аксарият эркаклари ва шунингдек, аёллари ўзларини қай тарзда тутаётганини бир мушоҳада қилиб кўрайлик. О, менинг жигарим! Энди, бу гапларимни астойдил диққат билан эшитмоғинг лозим. Мисол учун, биронта бахтсиз хонадонни олайлик, бундай хонадонлар бизда ҳар қадамда учрайди, бу оилада хотиннинг эрига меҳри йўқ, эр ҳам хотинига асло ишонмайди: бу шундай хонадонки, эр ҳам, хотин ҳам ўзича бу оилдан эзгу фазилатларни даф этганлар. Хотиннинг кўзига эр самимий ва меҳрибон умр йўлдоши бўлиб эмас, жоҳил бадахлоқ золим бўлиб кўринади. Ўз навбатида, эр ҳам ўз рафиқасини мусичадек беозор, оққўнгил, эзгу фазилатли аёл қиёфасида эмас, балки худбинона ҳаёсиз хотин сифатида кўради, қолбуки аёл кишининг ҳаёсизлиги унинг бадахлоқлигидан дарак беради. Икковлари бир-бирларига ит-мушук бўлиб қолишган. Икковлари ҳам бир-бирларининг обрўларини қадрламай қўйганлар, чунки икковлари ҳам ўз обрўларини батамом йўқотганлар. Инсон бундан ҳам мушкулроқ аҳволга тушиши мумкинми? Уй ўз ҳолига ташланган. Оила бошлиғининг разилона хирслар асоратига тушганини кўрган оила аъзолари ўз итоаткорлик бурчларини унутиб қўйишган. Мулк хонавайрон бўла бошлаган. Соҳибки ўзининг кимлигини унутиб қўйганми, бутун мулкни ҳам эгасиз деб ҳисоблайвер. Шўрлик болалар, уларнинг бахти қаро болалари эса, отоналари тирик бўла туриб, етимдек юришади. Хотинидан кўнгли совуган ота болаларини истар-истамас бағрига босади, инсоний меҳр-туйғуларини зўр-базўр намойиш қилади. Бегуноҳ мур-

ғақлар, айни пайтда, она меҳридан ҳам маҳрумдирлар. Садқан она кетгур бу аёл, фарзандларининг эркаланишларидан ўзини олиб қочади, зеро фарзандлари олдида у гуноҳкордир, улар унинг бекбурд, беҳаёлигини юзига солишаётгандай бўлиб кўри-нишади. Оналик фазилатларини йўқотган онадан қандай ҳам тарбия кўрсин шўрлик гўдақлар? Модомики, бундай онада ҳеч қандай эзгу фазилат қолмаган экан, қандай қилиб у фарзанд-ларига яхши одобдан сабоқ бера олсин? Ўз жигаргўшаларини бундай мудҳиш аҳволда кўрган эр билан хотиннинг юрак-бағри жаҳаннам оташида қоврилса керак!

Софья. Оҳ, қандай даҳшатга солди мени келтирган мисол-ларингиз!

Стародум. Ишонаман: бу мудҳиш воқеа қалби пок инсон-ни ҳайратга солиши муқаррар. Инсон биз кўриб турган мудҳиш манзараларга лоқайдлик билан қараш даражасида разиллашган бўлиши мумкин эмас, деб ўйлайман мен.

Софья. Э худо! Бундай мудҳиш бахтсизликларнинг боиси нимада?

Стародум. Боиси шундаки, азизим, ҳозирги пайтда, аҳду паймон қилишиб турмуш қураётганларнинг камдан-ками ўз юрак-лари даъватига қулоқ осадилар. Куёв нуфузли, мол-давлати кўп бўлса, келин соҳибжамол, бадавлат хонадоннинг қизи бўлса,— шунинг ўзи кифоя. Уларнинг хулқлари, одоблари ҳақида ҳеч ким суриштириб ҳам ўтирмайди. Ваҳоланки, фақат ақлли одам ҳалол, виждонли кишини, гарчи у паст мансабда бўлса ҳам, энг юксак мартабали шахс деб ҳисоблайди, эзгу фазилат ҳамма нар-санинг ўрнини босишини, билъакс, ҳеч бир нарса эзгу фазилат ўрнини боса олмаслигини одамлар хаёлларига ҳам келтирмайди-лар. Сенга шуни эътироф этайки, ўзингга муносиб киши билан турмуш қурганингни, икковларингни бир-бирларингга меҳр-оқибатли эканингни кўрганимдагина кўнглим таскин топа-ди...

Софья. Муносиб эрни дўстона севмай бўладими?

Стародум. Балли, фақат, ўтинаман, сен эрингни дўстлик-ка мойил муҳаббат билан севма. Сен у билан шундай дўст бўл-гинки, дўстлигинг муҳаббатга ўхшаб кетсин. Бундай севги ғоят-да мустаҳкам бўлади. Ана шундай бўлса, қалбларингиздаги бир-бирингизга бўлган меҳру муҳаббат туйғуси йигирма йилдан кейин ҳам бирдай порлаб тураверади. Эр фаросатли! Хотин са-ховатли! Бундан ортиқ нима бор дунёда! Менинг маслаҳатим, жигарим, эринг ақл-идроқка, сен эса, эрингга итоат этсанг, ик-ковларинг умрбод фароғатда яшайсизлар.

Софья. Ҳамма гапларингизни юрагимга тугиб қўяяпман...

Стародум (*жиянига меҳри товланиб*). Менинг ҳам қал-бим завққа тўляпти сенинг ҳассос табиатлигингдан. Бахтинг ўз

қўлингда. Худо сенга аёллар жинсига молик жами кўркем фази-
латларни ато қилган. Андишали одам эканлигингни кўриб туриб-
ман, сен, жигарим, икки жинснинг тақомул фазилатларини ўзинг-
да мужассамлаштиргансан. Ҳайлайманки, сенга бўлган меҳрим
мени алдамас, яъни олий ҳиммат...

Софья. Сиз қалбимни эзгу туйғуларга тўлдирдингиз. *(Тоғаси-
га ташланиб, унинг қўлларини ўпа бошлайди.)* Қани у эзгулик?

Стародум *(ўзи жиянининг қўлини ўпиб)*. У сенинг қал-
бингда. Худога минг қатла шукурки, бахтингнинг мустаҳкам
пойдеворини сенинг ўз сиймонгда кўриб турибман. Сенинг бах-
тинг на юксак мартабага ва на мол дунёга тобе бўлади. Сен бу-
ларнинг ҳаммасига муяссар бўлишинг мумкин; бироқ сен учун
булардан ҳам улканроқ саодат бор. Бу — сен лаззатини тотийшинг
мумкин бўлган фароғатли ҳаётга ўзингни муносиб деб ҳис қи-
лиш бахтидир...

Софья. Тоғажон! Мен учун энг самимий бахт — сизнинг
борлигингиз. Мен ўз жигаримни қандай қадрлашни биламан...

III САҲНА

Ушалар ва маҳрам

Маҳрам Стародумга мактуб беради.

Стародум. Қаердан?

Маҳрам. Москвадан, чопар олиб келди. *(Чиқиб кетади.)*

Стародум *(хатни очиб, унинг имзосига қарайди)*. Граф
Честандан. А! *(Хатни ўқий бошлайди, лекин кўзлари қамашаёт-
гандек қилиб кўрсатади ўзини N.)* Софья! Кўзойнагим столда, ки-
тоб орасида эди.

Софья *(чиқаркан)*. Ҳозир, тоғажон.

IV САҲНА

Стародум.

Стародум *(ёлғиз)*. Москвада учрашганимизда айтганлари
ҳақида ёзган бўлса керак, албатта. Мен Милонни танимайман;
лекин амакиси жонажон дўстим, шунингдек, жамоа ҳам уни но-
мусли, фозил одам деб ҳисоблайди... Агарда Софьянинг қалби
банд бўлмаса...

V САҲНА

Стародум ва Софья.

Софья *(кўз ойнакни узатиб)*. Мана, топдим, тоғажон.

Стародум *(ўқийди)*. «...Мен эндиёна хабар топдим...
Москвага ўз командаси билан келяпти экан... У сиз билан учра-

шиши керак... Учрашсангизлар бениҳоя хурсанд бўлардим... Унинг кўнглига қўл солиб кўришни ўз зиммангизга олсангиз». (Четга.) Албатта, кўнглини билмагунимча жиянимни унга бермайман... «Аминманки, сиз уни... содиқ дўстингиз...» Яхши, Бу мактуб сенга тааллуқли. Сенга айтган эдим, кўп фозил бир йигитни тавсия қилишувди деб. Гапларимдан хижолат бўляпсан, жигаргўшам. Буни боя пайқаган эдим, ҳозир ҳам кўриб турибман. Менга бўлган ишончинг...

Софья. Наҳотки юрак сиримни сиздан махфий сақлашга журъат этсам? Йўқ, тоғажон. Мен чин ҳақиқатни самимият билан айтаман сизга.

VI САҲНА

Ушалар, Правдин ва Милон.

Правдин. Энг яқин дўстим жаноб Милонни сиз билан таништиришга ижозат берсангиз.

Стародум (четга). Милон!

Милон. Мен ҳақимда яхши фикр ҳосил қилсангиз ва ўз марҳаматингизни дариг тутмасангиз, ўзимни гоят бахтиёр ҳис этган бўлур эдим...

Стародум. Граф Честан сизга қариндош эмасми?

Милон. У киши менинг амаким бўлади.

Стародум. Сиздек фозил киши билан танишганимдан бениҳоя хурсандман. Амакингиз сиз тўғрингизда гапирган эди менга. У сизни гоят одилона таъриф-тавсиф этган экан. Энг нодир хислатлар...

Милон. Амакимнинг менга кўрсатган ҳиммати бу. Саховатли кишилар ёшларнинг руҳини кўтармоқ учун ширинсуханлик қилишади, аммо бу мақтовларга ўзини чинданам сазовор деб би-лиш менинг ёшимдаги ва менинг мавқеимдаги йигитлар учун асло кечириб бўлмайдиган такаббурликдир.

Правдин. Агар сиз дўстим Милон билан яқиндан танишсангиз, аминманки, у сизнинг марҳаматингизга лутфан мушараф бўлғай. Бу йигит раҳматли синглингизникига тез-тез бориб турарди.

Стародум Софьяга қараб кўяди.

Софья (Стародумга қўрқа-писа оҳиста гапиради). Ойим ҳам уни худди ўз ўғлидек яхши кўрардилар.

Стародум (Софьяга). Гоятда хурсандман бундан. (Милонга.) Эшитишимча, сиз қўшинда хизмат қилган экансиз. Сизнинг дойураклигингиз...

Милон. Мен ўз бурчимни адо этдим. Менинг ёшим ҳам,

унвоним ҳам, тутган мавқеим ҳам чинакам довюраклик кўрсатишим учун имкон туғдиргани йўқ ҳали, башарти менда ўша довюраклик деган нарса ўзи бўлса, албатта.

Стародум. Нега бўлмас экан! Майдони ҳарбда жонингизни таҳликага қўйиб жанг қилган бўлсангиз.

Милон. Ҳамма қатори жанг қилганман. Мардлик — бу қалб даъватидир, жангда солдатга унинг командири, офицерга эса, унинг номуси мард бўлишни буюради. Ростимни айтсам, мен ҳали чинакам жасорат кўрсатиш имконига эга бўлганим йўқ ва лекин бу борада ўзимни синаб кўришни жуда-жуда истардим.

Стародум. Хўш, менга айтиб беринг-чи, сизнингча чинакам жасорат қандай бўлмоғи керак?

Милон. Ижозатингиз билан, фикримни сизга баён этаман: чинакам жасорат кишининг юрагида эмас, дилида бўлмоғи лозим. Қимнинг дилида жасурлик хислати бўлса, шак-шубҳасиз, у довюракдир. Бизнинг ҳарбий касбимизда жангчи мард, саркарда жасур бўлиши керак. Саркарда, хавф-хатар туғилган тақдирда, уни ҳар ёқлама ғоятда совуққонлик билан мулоҳаза қилиб чиқиб, зарурий чоралар қўллайдди, у ўз шаънига доғ туширишдан кўра ўлимни афзал кўради, лекин энг муҳим фазилати шундаки, у ватан манфаати ва шон-шуҳрати йўлида ўз шоншавкатини бадном этишдан ҳам қўрқмайди. Унинг бу жасурлигидан, яшаш жонига теккан экан-да, деган хулоса келиб чиқмайди. У ҳаётдан юз ўгирмайди. Лекин уни фидо қилишни билади.

Стародум. Одилона фикр. Сиз чинакам жасоратни саркардаларга хос деб ҳисоблайсиз. Аммо ўзга тоифа аҳлига ҳам хосми бу хусусият?

Милон. Бу эгу фазилат, демакки, у ҳар қандай тоифа аҳлига ҳам бегона эмас, менинг фикримча, довюраклик жанг пайтида намойиш қилинади, дил жасорати эса, ҳаётдаги жами синовларда, ҳар қандай шароитларда исбот қилинади. Хўш, ҳамма қатори жонини тикиб ҳужумга отилган солдатнинг жасорати билан подшо аъло ҳазратларининг ғазабини уйғотишдан ҳам қўрқмай, бор ҳақиқатни дангал гапирадиган катта лавозимдаги одамнинг жасурлиги ўртасида қандай фарқ бор? Қўли баланд одамнинг интиқомидан ҳам, таҳдидидан ҳам қўрқмай, ожиз одам фойдасига одил ҳукм чиқарган судьяни мен қаҳрамон ҳисоблайман, фараз қилайлик, тўхматчилар бир одамнинг орқасидан ғийбат қила бошладилар, ноҳақ бадном этилган бу кишини ёқлаб чиққан одам олдида, арзимаган баҳона билан дўстим дуэлга чақирган номарднинг виждони ғоят разилона виждондир! Жасоратни мен шундай тушунаман...

Стародум. Зеро, қалбан жасур бўлган киши уни айнан шундай тушунади. Мени қучоқла, азизим! Одмигарчилигим учун кечир мени. Мен номусли одамларнинг дўстиман. Бу ҳиссиёт ме-

нинг қон-қонимга сингиб кетган. Сенинг тарбиянга ҳам маърифатли заковат билан бойитилган эзгу хислатларни кўриб турибман, мен бундай фазилатни эъзозлайман.

Милон. Олижаноб зот!.. Йўқ... Юрак туйғуларимни ортиқ сир тута олмайман... Йўқ Сизнинг олиҳимматлигингиз қалбим тубидаги махфий сирларимни қудратли куч билан тортиб чиқаряпти. Модомики, менинг қалбим саховатли экан, у бахтиёр бўлиши лозим экан, уни бахтиёр қилиш сизнинг қўлингизда. Яъни айтмоқчиманки, севикли жиянингиз менинг умр йўлдошим бўлса, шунинг ўзи мен учун энг юксак бахт бўлур эди. Бир-биримизга бўлган меҳр-муҳаббат...

Стародум (*Софьяга қувонч билан*). Иел Сенинг дилинг, мен ўзим сенга тавсия қилмоқчи бўлган одамни топа олдими? Мен сенга айтган куёв мана шу эди...

Софья. Мен ҳам уни жон-дилдан севаман.

Стародум. Икковингиз бир-бирингизга муносибсиз. (*Зўр завқ билан уларнинг қўлларини қовуштиради.*) Чин қалбимдан сизларга оқ фотиҳа бераман.

Милон (*Стародумни қучоқлаб*). Мен беҳад бахти- } (баравар)
ёрман!

Софья (*Стародумнинг қўлидан ўпиб*). Мендан бахтлироқ ким бор?

Правдин. Ғоят хурсандман!

Стародум. Менинг мамнунлигимни таърифлаб бўлмайди!

Милон (*Софьянинг қўлидан ўпиб*). Биз учун энг саодатли дам мана шу!

Софья. Қалбим сени мангу севажак.

VII САҲНА

Ушалар ва Сўқимбоев.

Сўқимбоев. Мана, биз ҳам келдик.

Стародум. Нимага келдинг?

Сўқимбоев. Ҳожатимни чиқарсанг.

Стародум. Хўш, мендан нима истайсан?

Сўқимбоев. Икки оғиз сўз.

Стародум. Қандай сўз экан.

Сўқимбоев. Мени маҳкамроқ қучоқлаб: Софьяхон сеники, десанг бўлди.

Стародум. Бекорга овора бўлмадингмикин? Яхшилаб ўйлаб кўр.

Сўқимбоев. Мен ҳеч қачон ўйламайман. Агар сен ҳам ўйламасанг, ишончим комилки. Софьяхон меники.

Стародум. Таажжуб! Назаримда, эсли-ҳушли одамга ўшайсан-у, лекин ўз жиянимни ўзим билмаган одамга беришимни истайсан-а.

Сўқимбоев. Билмасанг, айтаман. Мен, Тарас Сўқимбоев бўламан, Сўқимбоевлар зоти улуг ва қадимий. Бобокалонимизнинг исми шарифларини бронта ҳам чор китобдан қидириб топа олмайсан.

Правдин (*кулиб*). Демак бобокалонингиз Одам атодан ҳам қарироқ экан-да?

Сўқимбоев. Сен нима деб ўйловдинг? Озгина бўлсаям каттароқ...

Стародум (*кулиб*). Яъни бобокалонинг, гарчи дунё яратилишининг олтинчи куни пайдо бўлган ҳам, Одам атодан сал олдин оламга келган экан-да!

Сўқимбоев. Ие, ростданми? Авлодимизнинг қадимийлиги ҳақида шундай яхши фикрдамисан?

Стародум. О! Шундай яхши фикрдаманки, ўзингнинг Сўқимбоевлар зотин туранда бошқа элатдан хотин танлаганингнига ҳайронман.

Сўқимбоев. Ўзинг ўйлаб кўр, Софьяхон менга тегса қандай бахтиёр бўлади. У дворян қизи...

Стародум. Қизиқ экансан-ку! Шунинг учун ҳам сен унга қайлиқ бўлолмайсан.

Сўқимбоев. Бўлганича бўлди энди: уят бўлар ниятимдан қайтсам. Майли, Сўқимбоев дворян қизига уйланибди деб гап қилишса қилиша қолсин. Менга энди бари бир.

Стародум. Лекин Софьяга бари бир эмас-да, дворян қизи Сўқимбоевга турмушга чиқипти деб гап қилишса.

Милон. Бундай тенгсизлик оқибатида икковингиз ҳам бахтсиз бўласиз.

Сўқимбоев. Ие! Бу нима қилиб тумшугини тикяпти? (*Стародумга секин.*) Ўзига оғдириб олмоқчими дейман?

Стародум (*Сўқимбоевга секин*). Шунақага ўхшайди.

Сўқимбоев (*ўша оҳангда*). Бе, ўлиптими!

Стародум (*ўша оҳангда*). Қийин.

Сўқимбоев (*қўли билан Милонга ишора қилиб, баралла*). Қайси биримиз кулгили? Ха-ха-ха-ха!

Стародум (*кулади*). Ким кулгили эканини кўриб турибман.

Софья. Тогажон! Хурсанд бўлганингиз қандай ярашиб турипти.

Сўқимбоев (*Стародумга*). Ие! Қизиқчи экансан-ку! Сенга яқин йўлаб бўлмаса керак, деб ўйловдим боя. Мен билан бир оғиз ҳам гаплашмовдинг. Энди бўлса, бирга кулишяпсан.

Стародум. Одамзод шунақа бўлади, дўстим! Гоҳ ундай, гоҳ бундай.

Сўқимбоев. Ҳа, кўриниб турипти. Мен боя ҳам ўша-ўша Сўқимбоев эдим, лекин сени қовоғингдан қор ёғаётувди.

Стародум. Сабаби бор эди.

Сўқимбоев. Билдим ўша сабабни. Ўзим ҳам шунақаман. Уйимда, оғилхонага кирсаму бирон тартибсизлик сезсам, хунобим чиқиб кетади. Сен ҳам, гапнинг пўскалласи, бу ерга келиб, опамнинг уйини оғилхонадан бадтар ҳолда кўргансану хунобинг чиқиб кетган.

Стародум. Сен мендан бахтлироқсан. Мен одамлар ташвишида қайғураман.

Сўқимбоев. Мен бўлсам чўчқалар ташвишида...

VIII САҲНА

Ушалар, Простакова хоним, Простаков,
Митрофан ва Еремеевна.

Простакова хоним (*кириб*). Ҳеч нимани унутмадингми, гиргиттон?

Митрофан. Ташвиш қилмай қўя қол.

Простакова хоним (*Стародумга*). Яхши дам олдингми, отахон? Биз ҳаммамиз сени безовта қилмайлик деб, тўрт хона нарида оёқ учида юрдик; эшигингдан мўралашга журъат эта олмадик; билсак, аллақачон ўрнингдан туриб, бу ёққа чиққан экансан. Айбга буюрмайсан, отахон....

Стародум. О, хоним афанди, бу ерга олдинроқ чиққанингизда эди, мени гоят ранжитган бўлардингиз.

Сўқимбоев. Сен, опа, худди жўрттага қилгандай, нуқул пайимга тушиб қолдинг. Мен бу ерга ўз ҳожатимни чиқаргани келганман.

Простакова хоним. Биз ҳам ҳожатмандмиз. (*Стародумга*.) Отахон, ижозатинг билан, ҳаммангиздан ялписига бир илтмос қилмоқчи эдик. (*Эри билан ўғлига*.) Таъзим қилинглар.

Стародум. Қандай илтмос экан, хоним афанди?

Простакова хоним. Биринчидан, ҳаммаларингни ўтиришга лутфан илтмос қиламан.

Митрофан билан, Еремеевнадан бошқа ҳамма ўтиради.

Гап бундай, отахон, Ота-оналаримизнинг қилган тоат-ибодатлари туфайли— биз осий бандаларнинг илтижо қилишга ҳаддимиз сиғармиди— худо таоло бизга Митрофанжонни ато этган эди. Уғлимизни ҳозир сен кўриб турган қиёфага келтирмоқ учун биз ҳеч нимани аямадик. Отахон, агар хизмат бўлмаса, Митрофангинамнинг қай даража билимдон бўлганини бир синаб кўрмайсанми?

Стародум. О, хоним афанди! Эшитишимга қараганда, ўрлингиз эндигина ўқишни битирганмиш. Мен унинг муаллимлари ҳақида эшитдим, бинобарин унинг Ҳалимзода қўлида таҳсил кў-

риб, қандай саводхон бўлганини ва Рақамий қўлида таҳсил кўриб, қандай математик бўлганлигини олдиндан тасаввур қил-
япман. (*Правдинга.*) Немис муаллими нималарни ўргатганини
билишга қизиқардим.

Простакова хоним. Ҳамма илмларни, отахон. }
Простаков. Ҳамма нарсани, отам. } (*баравар*)
Митрофан Хоҳлаган нарсангни ҳаммасини. }

Правдин (*Митрофанга*). Хўш, масалан нимани?

Митрофан (*унга китоб узатади*). Мана, грамматикани ўр-
гатган.

Правдин (*китобни олиб*). Кўриб турибман. Грамматика
китоби. Хўш, бу китобдан нималарни биласиз?

Митрофан. Кўп нарсаларни, от, сифат, яна... равишни...

Правдин. Масалан, эшик — қайси сўз туркумига киради?
Яъни отми, сифатми, равишми?

Митрофан. Эшик? Қайси эшик?

Правдин. Қайси эшик? Масалан, мана бу.

Митрофан. Буми? Бу... равиш.

Правдин. Нима учун?

Митрофан. Нимага десангиз, у кирган-чиққанга очилиб-
ёпилиб равиш қилиб туради. Анави ерда, қазноқ олдида яна
битта эшикни деворга тираб қўйишипти: у ҳали от ҳам, сифат
ҳам эмас, ҳм... сон. Чунки, унинг сони бор, салмоғи йўқ.

Простакова хоним. Хўш, қалай ўғлим, отахон?

Простаков. Қалай, отам?

Правдин. Саводхон бўлса шунчалик бўлади-да. Граммати-
кадан ўтқир экан.

Милон. Тарихда ҳам бундан қолишмаса керак деб ўйлай-
ман.

Простакова хоним. Рост айтасан, отам, ёш болалиги-
дан тарихга ишқивоз.

Сўқимбоев. Митрофан менга ўхшайди. Ўзим ҳам, оқсо-
қол муовинидан биронта аломат воқеа эшитмагунимча кўзимга
уйқу келмайди. Жуда устада, баччағар. Қаёқдан кавлаб топар-
кан.

Простакова хоним. Лекин, бари бир Адам Адамичга
тенг келолмайди.

Правдин (*Митрофанга*). Тарихдан қайси жойга бордингиз?

Митрофан. Қайси жойга? Тарихига қараб. Баъзан етти
иқлимни кезиб чиқасан, етти қават осмонга чиқиб кетасан.

Правдин. Э! Ҳали бунақа тарихни ўргатаркан-да, сизга Ав-
рарман?

Стародум. Аврарман? Бу исм танишга ўхшаяпти.

Митрофан. Йўқ. Адам Адамич тарихдан сўзламайди; ўзи
менга ўхшаб ўшанақа тарихларни эшитишга ишқивоз.

Простакова хоним. Икковлари молбоқар чўримиз Хавроньядан шунақа чўпчакларни эшитишни яхши кўришади.

Правдин. Балки ўша Хавроньядан ўргангандирсиз географияни ҳам?

Простакова хоним (*ўғлига*). Эшитдингми, кўзичоғим? Яна қанақа илм бўлди буниси?

Митрофан (*онасига секингина*). Мен қаёқдан билай?

Простакова хоним (*Митрофанга оҳиста*). Ужарлик қилма, кўзичоғим. Айни ўзингни кўрсатадиган пайтинг келди.

Митрофан (*онасига секич*). Ахир нимани сўрашаётганини тушунмаяпман.

Простакова хоним (*Правдинга*). Нима деб айтдинг, отахон, ҳалиги илмни?

Правдин. География.

Простакова хоним (*Митрофанга*). Эшитдингми, география экан.

Митрофан. Э, худоё тавба қилдим, бу нимаси ахир! Бўғзимга пичоқ тираяписизлар-ку!

Простакова хоним (*Правдинга*). Рост, отахон. Ургилай сендан, унинг қанақа илм эканлигини тушунтириб бер ўғлимга, кейин у ҳам айтиб беради.

Правдин. Ер юзининг тасвири.

Простакова хоним (*Стародумга*). Нимага фойдаси тегади у фаннинг биринчи навбатда?

Стародум. Биринчи навбатда шунга фойдаси тегадики, башарти сафарга чиққудек бўлсанг, қаерга, қандай боришни биласан.

Простакова хоним. Вой, отагинам тушмагур-е! Извошчининг нима ҳожати бор унда? Бу уларнинг иши. Асли ўзи, дворянлар илми ҳам эмас экан. Дворян мени фалон жойга олиб бор деса бўлди, извошчи айтган ерига элтиб қўяди. Гапимга ишонавер, отахон. Митрофанжон билмаган бу нарса бемаъни бир жайдари илм экан.

Стародум. О, албатта, хоним афанди. Нодон одамлар, одатда, ўзлари беҳабар нарсани бемаъни деб ўзларига тасалли берадилар.

Простакова хоним. Одамлар илму ҳикматсиз кун кечириб, кечиряптилар ҳам. Отам раҳматли ўн беш йил сурункасига музофот ҳокими бўлган, лекин оламдан саводсиз ўтиб кетган, шундай бўлса ҳам мол-дунё ортдириб, ғамлаб кетишга ақли етган эди. Арзга келганларни, одатда, доим темир сандиқ устида ўтириб қабул қиларди. Ҳар бир арзачидан кейин сандиқни очиб, унга бирон нима ташлаб қўярди. Шунақа тежамкор эди! Жони чиқса чиқарди, лекин сандиқдан бирон тангаям чиқар-

масди. Гарчи бошқалар олдида мақтанмасам ҳам, сиздан яширмайман: падари бузрукворим, очиги, пул тўла сандиқ устида ётганча, очликдан қазо қилганлар. Ана! бунга нима дейсиз?

Стародум. Ғоят зўр таҳсинга лойиқ! Бундайин ҳаловатли ўлим топиш учун фақат Сўқимбоев бўлиш керак.

Сўқимбоев. Илмнинг бемаънилигини исботлайдиган бўлсак, амаким Вавила Фалелеични нисолга олсак ҳам бўлади. Ҳеч ким ҳеч қачон ундан савод ҳақида садо ҳам эшитмаган, ўзи ҳам бу ҳақда ҳеч кимдан ҳеч нима эшитишни истамаган; лекин калласи жуда зўр эди!

Правдин. Қани, эштайлик!

Сўқимбоев. Амакимнинг бошидан мана бундай бир воқеа кечган эди. У маст ҳолда бедов йўрғани чоптириб, гиштин дарвозага келаверган. У жуда дароз киши бўлган эди, лекин дарвоза паст эди, от чоптириб келаётиб бошини эгишни унутиб қўйипти. Шунда, пешонаси дарвоза тўсинига чунонам қарсиллаб урилганки, зарбнинг зўридан амаким отнинг сағрисига чалқанча йиқилган, от дарвозадан ўқдай отилиб кириб пешайвон олдида тўхтаган. Мен шун билмоқчи эдим, дунёда шундай доно бош бормики, бунақа зарбадан тарс ёрилмай бутун қолсин; амаким бўлса, жойи жаннатда бўлсин, кайфи қочиб, ҳушига келгандан кейин, фақат, дарвоза бутунми, деб сўраган эдилар.

Милон. Сиз, жаноб Сўқимбоев, ўзингизни оми одам деб эътироф этиясиз, бироқ, ўйлайманки, сизнинг пешонангиз ҳам бу борада донишманд бошидан қаттиқлик қилмайди.

Стародум (Милонга). Баҳслашма, ютқизасан. Сўқимбоевлар авлодида ҳамма ҳам тош манглай бўлса керак, менимча.

Простакова хоним. Отахоним! Уқимишли бўлишнинг нимаси яхши экан? Буни биз ўз вилоятимизда ҳам ўз кўзимиз билан кўряпмиз. Қимда-кимнинг зеҳни сал-пал ўткир бўлса, даров уни ошна-оғайнилари бирон ишга тиркаб қўйишади.

Стародум. Агар у одам, чиндана зеҳнли бўлса, унинг ўз ҳамқишлоқларига фойдаси тегиши муқаррар.

Простакова хоним. Ҳозирги замонда, худо билсин, қанақа ўйларкинсизлар. Бизнинг замонда, ҳар бир одам ўзини ишдан четга олиб қочиб дам олиб ётишнинг пайида бўларди. (Правдинга.) Мана, сен ҳам, отахон, бошқалардан зеҳнлироқсан, лекин ҳеч тиниминг йўқ! Ҳозир ҳам, бу ёққа келаётиб, сенга мактуб олиб кириб кетишганини кўрдим.

Правдин. Менга мактуб? Шу чоққача ҳеч бирингиз айтмабсиз-да! (Ўрнидан туриб.) Сизларни шу ерда қолдиришга мажбурман, бунинг учун мени афв этишингизни сўрайман. Балким ноибдан биронта фармон келгандир.

Стародум (Ўрнидан туради, унга эргашиб, ҳамма туради). Бора қол, азизим, лекин сен билан хайрлашмайман.

Правдин. Ҳали сиз билан яна кўришамиз. Сиз эртага эрталаб жўнайсизми?

Стародум. Соат еттиларда.

Правдин чиқади.

Милон. Мен ҳам эртага сизни кузатиб қўйгач, ўз команدامни олиб кетаман. Ҳозир чиқиб шу ҳақда буйруқ бермоқчиман.

Милон Софья билан кўз уруштириб хайрлашиб, хонадан чиқади.

IX САҲНА

Простакова хоним, Митрофан, Простаков, Сўқимбоев, Еремеевна, Стародум, Софья.

Простакова хоним (*Стародумга*). Хўш, отахон! Энди яхшилаб кўриб олгандирсан Митрофангинамнинг қанақалигини? Сўқимбоев. Хўш, азиз дўстим? Менинг қанақалигимни кўрдинг-а?

Стародум. Икковларингни ҳам жуда яхши билиб олдим.

Сўқимбоев. Софьяхон менга тегадими энди?

Стародум. Тегмайди.

Простакова хоним. Менинг Митрофангинам қайлиқ бўлади-а, унга?

Стародум. Бўлмайди.

Простакова хоним. Бирон важи борми?

Сўқимбоев. Сабаби нима?

Стародум (*икковини бир ерга йиғиб*). Бу сирни ёлғиз сизларга айтаман. Софья унашиб қўйилган. (*Чиқиб кетаркан, Софьяга, юр мен билан, дегандек ишора қилади.*)

Простакова хоним. Вой, муттаҳам-е!

Сўқимбоев. Чол эсини еб қўйипти.

Простакова хоним (*бетоқат бўлиб*). Қачон жўнаб кетишмоқчи?

Сўқимбоев. Ўзинг эшитдинг-ку, эрталаб соат еттида.

Простакова хоним. Соат еттида.

Сўқимбоев. Эртага мен ҳам бир марта каллаи саҳарлаб турай. У қанчалик доно бўлмасин, бари бир Сўқимбоевдан осонликча қутулиб бўпти. (*Чиқади.*)

Простакова хоним (*саҳнада у ёқдан бу ёққа дарғазаб зир югураркан йзича гапиради*). Соат еттида!... Биз ундан ҳам олдин турамиз... Ниманки ният қилган бўлсам, бажармай қўймайман... Ҳамманг бу ёққа кел.

Ҳамма унинг олдига югуриб келади.

Простакова хоним (*эрига*). Эртага соат олтида извош орқа эшик олдида шай бўлиб турсин. Эшитдингми? Аграйма.

Простаков. Хўп бўлади, онам.

Простакова хоним (*Еремеевнага*). Сен кечаси билан Софьянинг эшиги олдида мижжа қоқмай чиқасан. У уйғонди дегунча, физиллаб менинг олдимга борасан.

Еремеевна. Қиприк ҳам қоқмайман, онахоним.

Простакова хоним (*ўғлига*). Сен жигаргўшам, ўзинг соат олтида таппа-тайёр бўлиб, уч нафар хизматчини Софьянинг ётоқхонаси эшигига, икки нафарини уларга кўмаклашиш учун йўлакка қўйиб қўй.

Митрофан. Ҳаммасини бажараман.

Простакова хоним. Боринглар, худо ёр бўлсин. (*Ҳамма чиқади.*) Мен ўзим нима қилишимни биламан. Нафрат бор ерда шафқат ҳам бўлади. Чол олдинига ғазабланиб, кейин бари бир ҳовуридан тушиб, кечиради. Биз бўлсак ўз ниятимизга етамиз.

Тўртинчи парданинг охири.



БЕШИНЧИ ПАРДА

I САҲНА

Стародум ва Правдин.

Правдин. Кеча уй бекаси айтган мактуб шу экан.

Стародум. Демак энди сен ёвуз бойвуччанинг ғайри инсоний ҳаракатларига барҳам бериш имконига эгасан?

Правдин. Башарти бу бойвучча қутуриб, ўз қўл остидаги одамларни изтиробга солгудек бўлса, ўша заҳоти унинг ҳовлижойи ва қишлоғини васийликка олиш буюрилибди менга.

Стародум. Худога шукурки, инсоният учун доимо паноҳ топилади! Гапимга ишон, дўстим, подшо тафаккур билан иш тутган, ўз шон-шавкатиининг қадр-қиймати нимада эканлигини билган ерда, башариятга унинг инсоний ҳуқуқлари қайтариб берилмай қолмайди. Бундай масканда истиқомат қилувчи ҳар бир инсон тез орада, ўз бахт-иқболига муяссар бўлиш учун ва ҳаётдан манфаатдор бўлиш учун фақат қонуний, ҳалол ҳаёт кечирмоғи лозим эканлигини, ўзи сингари одамларни асоратда асраш эса, ғайри қонуний ҳол эканлигини ҳис қила бошлайдилар.

Правдин. Фикрингизга қўшилишаман; лекин одамларнинг суяк-суягига сингиб кетган ва ёлғиз олчоқ кишиларнинг манфаатини кўзловчи эскилик сарқитларини таг-туғи билан қийратиб ташлаш нақадар мушкул!

Стародум. Тингла, дўстим! Подшон аъзам, доно подшодир. Унинг вазифаси одамларни чинакам саодат сарни етакламоқдан иборатдир. Унинг донишмандлик салоҳияти халойиққа бош бўлмоқдир, зеро галварсларни бошқармоқ учун донишманд бўлиш шарт эмас. Қишлоқда энг ношуд деҳқон одатда подачи қилиб тайинланади, чунки мол боқмоқ учун унчалик ақлнинг ҳожати йўқ. Тож-тахтга муносиб подшо ўз фуқаросининг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилади. Бунини биз ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз.

Правдин. Пок қалб билан ҳаловатда яшаётган подшоларнинг хуш кайфияти ғоят даражада баланд бўлиши керак. Бинобарин, уларнинг эътиборини номақбул томонга жалб эта олишга қодир яна қандай майл бўлиши мумкин, мен ҳайронман...

Стародум. Ана! Ҳақ йўлни танлаб, ҳеч қандай куч таъси-

рида ҳам у йўлдан четга бурилмасликка қодир бўлмоқ учун, подшо ниҳоятда юксак қалб эгаси бўлиши шарт! Ўзи сингари кишилар қисматини қўлида тутган бундай олий зотнинг руҳига раҳна солмоқ учун унинг йўлига не-не ғовлар, қопқонлар қўйишмайди дейсан! Биринчи навбатда, бахил хушомадгўйлар галаси...

Правдин. Хушомадгўйни қалбан нафратламай туриб, та-саввур қилиб бўлмайди.

Стародум. Хушомадгўй шундай бир махлуқки, у наинки ўзгаларни, ҳатто ўзини ҳам ёмон отлиқ қилишдан тоймайди. Унинг умрбод қиладиган иши — инсон ақл-заковатини аввал ўт-маслаштириб, сўнг ундан ўз манфаати учун зарур бўлган нарса ясашдан иборат. У аввал шамни ўчириб, сўнг ўғирлик қила бошлайдиган тунги ўғридир.

Правдин. Одамларнинг бахтсизлигига, албатта, ўзларининг қусур ишга бош уришлари ҳам сабабдир: лекин одамларни инсофга келтириш усуллари...

Стародум. Бу усуллар подшои аъзамнинг қўлида. Бас, маълум бўлдики, хушфёъл бўлмай туриб, ҳеч ким чин инсон бўла олмайди; чунки хушфёъллик туфайли эришиш мумкин бўлган фазилатларга бадкорлик билан ҳам, ҳар қанча кўп ақча харжлаб ҳам муяссар бўлиб бўлмайди; зероки, мансаблар одамлар томонидан ўғирланмайди, балки одамлар мансабга сайланади,— ана шундагина ҳар бир киши ўз хушфёъллиги самарасини кўради ва мақтовларга сазовор бўлади.

Правдин. Ҳақ рост. Подшои аъзам...

Стародум. Подшои аъзам хуш кўрганларга шафқат ва дўстлик тортиқ қилади; муносиб одамларга мансаб ва унвон беради.

Правдин. Муносиб одамлар тақчил бўлиб қолмаслиги учун ҳозирги пайтда тарбияга алоҳида зўр эътибор берилмоқда...

Стародум. Давлат фаровонлигининг гарови ҳам ана шу тарбия бўлмоғи лозим. Биз ёмон тарбиянинг барча бахтсиз оқибатларига шоҳид бўляпмиз. Хўш, ватанимиз учун анави Митрофандан нияям наф чиқиши мумкин; бунинг устига, нодон отанаси уни ўқитиш учун нодон муаллимларга ҳам ҳақ тўлаяпти. Қанчадан-қанча аслода оталар ўз ўғилларининг ахлоқий тарбиясини ўз қўл остидаги крепостной қулга топширишади! Оқибат, ўн беш йиллардан кейин, бир қул ўрнига икки қул пайдо бўлади. Яъни оми амаки-ю, думбул бойвачча.

Правдин. Лекин олий табақа аҳли ўз болаларига илм ўргатмоқдалар...

Стародум. Бу тўғри, азизим; лекин истардимки, талабага қандай сабоқ ўргатишаётганидан қатъи назар, ҳамиша, инсоний илмлар ичида энг муҳим ҳисобланмиш хушахлоқлик илмидан таълим беришни унутмасалар. Шунинг билки, илм-фан бадкирдор

одам қўлида ёвузликнинг энг мудҳиш қуролига айланиши мумкин. Маориф фақат эзгу фазилат аҳлини ардоқлайди. Истардимки, чунончи, мураббий нуфузли жанобнинг ўғлини тарбиялаётганида ҳар куни Тарих китобини очиб, ундан икки ерини талабасига кўрсатиб турса: биринчидан, буюк одамларнинг ватан фаровонлиги учун қандай ҳисса қўшгани борасида ёзилган саҳифани, иккинчидан, номақбул амалдорнинг, ўзига берилган ишонч ва кучни ёмон мақсадда ишлатиб, ўзи муяссар бўлган дабдабали юксак ўрнидан нафрат ва надоматнинг тубсиз қаърига қулаб тушгани ҳақидаги жойни.

Правдин. Чиндан ҳам, ҳар бир киши, қай табақага мансуб бўлишидан қатъи назар, албатта дурустгина тарбия олмоғи лозим; ана унда ишонч билан айтиш мумкинки... Нима тўполон?

Стародум. Нима гап ўзи?

И С А Ҳ Н А

Ушалар, Милон, Софья, Еремеевна.

Милон (*Софьяга ёпишиб олмоқчи бўлган Еремеевнани итариб ташлаб, қўлида шамширини яланғоч ушлаганча одамларга қичқиради*). Қани, биронтанг яқин йўлаб кўр-чи!

Софья (*Стародумга ташлашиб*). Оҳ, тоғажон! Мени ҳимоянгизга олинг!

Стародум. Азизим! Нима бўлди?

Правдин. Қандай бадкорлик!

Софья. Юрагим қинидан чиқиб кетаёзпти! } (*баравар*)

Еремеевна. Шўргинамга шўрва тўкилди.

Милон. Муттаҳамлар! Бу ёққа кела туриб, бир қанча одамнинг уймалашаётганини кўриб қолдим, улар Софьяхоннинг қаршилиқ кўрсатишига қарамай, қўлтиғидан ушлаб, пиллапоядан олиб тушиб, извошга ўтқазнишмоқчи бўлаётган эдилар.

Софья. Менинг халоскорим!

Стародум. (*Милонга*). Азизим!

Правдин (*Еремеевнага*). Ҳозироқ айтасан, қаёққа олиб кетмоқчи бўлгандинглар, йўқса, ўғри сифатида...

Еремеевна. Черковга, никоҳ ўқитгани, отам, никоҳ ўқитгани!

Простакова хоним (*саҳна орқасидан*). Фирибгарлар! Қароқчилар! Товламачилар! Ҳаммангни ўласи қилиб калтакла-таман!

III САҲНА

Ушалар, Простакова хоним, Простаков, Митрофан.

Простакова хоним. Уз уйимдаям сўзим ўтмайдами?
(Милонни кўрсатади. Қандайдир бегона одам менинг буйругим-
ни бекор қилибди.

Простаков. Айб мендамикин?

Митрофан. Одамларга қўл кўтариш?

Простакова хоним. Бу кунимдан ўлганим } (баравар)

яхши.

Правдин. Узим шоҳиди бўлган бу ёвузлик, сизга Софья-
нинг тоғаси сифатида, сизга эса, қайлиғи сифатида...

Простакова хоним. Қайлиғи!

Простаков. Гел бўпмиз!

Митрофан. Ҳаммаси расво бўлди! } (баравар)

Правдин. Софьяхонга етказилган озор учун, ҳокимияти-
миздан, буларни жиноий қонун даъвати бўйича қаттиқ жазога
тортилишларини талаб қилишингизга ҳуқуқ беради. Мен ҳозир
бу хонимни кишилар тинчини бузувчи сифатида судга топшираман.

Простакова хоним (гурс этиб тиз чўкиб олади). Ота-
хон, айбдорман!

Правдин. Эрингиз билан ўғлингиз ҳам бу ёвузликка бош
қўшган бўлишса керак...

Простаков. Айбсиз айбдорман } (Тиз чўқишиб баравар

Митрофан. Айбдорман, амаки! } айтишади.)

Простакова хоним. Вой, мен итнинг боласи эканман!
Нима қилиб қўйдим.

IV САҲНА

Ушалар ва Сўқимбоев.

Сўқимбоев. Вой, опа-е, роса муғамбир экансан ўзингам...
Йе! Бу қанақаси! Ҳаммалари чўккалаб олишипти-ю!

Простакова хоним (тиззада туриб). Оҳ, отахонларим,
этилган бошни қилич кесмас деганлар. Мендан ўтди! Нобуд қил-
манг мени. (Софьяга). О, меҳрибон онагинам, кечир мени, раҳ-
минг келсин мен бояқишга (эри билан ўғлини кўрсатиб). Мана
бу етимча шўрликларга ҳам.

Сўқимбоев. Опа! Жинни-минни бўлдингми?

Правдин. Жим тур, Сўқимбоев.

Простакова хоним. Худо севикли қайлиғинг билан ик-
ковингга бахт ато қилсин, мен муштипарни жазолашдан нима
наф сенга?

Софья (Стародумга). Тоғажон! Мен унинг ҳақоратларини
унутдим.

Простакова хоним (*қўлларини кўтариб Стародумга*). Отаxon! Мен осий бандани афв эт. Ахир мен фаришта эмас одам-зодман-ку.

Стародум. Биламан, биламан, одамзод фаришта бўлмаслиги керак. Шунингдек, иблис ҳам бўлмаслиги керак.

Милон. Бу аёлнинг жинояти ҳам, тавбаси ҳам бирдек жирканч.

Правдин (*Стародумга*). Агар сиз озгина шикоят қилиб, ҳукуматимизга бир оғизгина сўз айтсангиз... кейин бу аёлни қутқариб бўлмайди.

Стародум. Ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмайман. Мен уни кечирдим.

Тиз чўкканларнинг ҳаммаси дик этиб ўринларидан туришди.

Простакова хоним. Кечирди! Вой, отагинам!.. Ҳаф санларнимни! Ана энди кунини кўрсатаман касофат малайларимни! Ана энди ҳаммаларини биттама-битта савалатаман. Ана энди Софьяни ким қўлдан чиқариб юборганини суриштириб биламан. Йўқ, товламачилар! Йўқ, ўғри-муттаҳамлар! Ула-ўлгунимча кечирмайман, кечирмайман мени мазах қилганларингни.

Правдин. Нима сабабдан одамларингизни жазоламоқчисиз?

Простакова хоним. Вой, отагинам-е! Қизиқмисан? Наҳотки ўз одамларим устиданам ҳукмимни ўтказма олмасам?

Правдин. Ҳали сиз, кўнглим тусаган пайтда одамларимни калтаклашга ҳаққим бор, деб ўйлайсизми?

Сўқимбоев. Нима, дворянин ўз хизматкорини хоҳлаган пайтида калтаклай олмайдими?

Правдин. Хоҳлаган пайтида! Нега энди калтаклайди? Ғирт сўқимни ўзи экансан. Йўқ, хоним афанди, золимлик қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Простакова хоним. Ҳаққи йўқ! Дворянин хоҳлаган пайтида хизматкорини савалай олмаса, унда дворянларнинг эркинлиги ҳақидаги фармонни нимага чиқариб қўйишипти?

Стародум. Фармонларни таъбирлашга уста экан-ку!

Простакова хоним. Ҳа, майли кулаверинглар, мен бўлсам, шу топдаёқ ҳаммаларини биттама-битта додини бераман... (*Югуриб чиқиб кетмоқчи бўлади*).

Правдин (*уни тўхтади*). Бирпас сабр қилинг, хоним афанди. (*Ёнидан бир қоғоз олиб, Простаковга жиддий овоз билан*). Ҳукуматимиз номи билан сизга буюраман, дарҳол ўз одамларингизни ва деҳқонларни тўпланг, уларга фармонни ўқиб эшитдираман, сизнинг гоят даражада калтабинлигингиз оқибатида хо-

¹ 1762 йилда чиққан «Дворянларнинг эркинлиги ҳақидаги фармон» дворянларни давлат маҳкамаларида мажбуран хизмат қилишдан озод қилган эди.

тинингизнинг ғайри инсоний шафқатсизлигидан келиб чиқиб, мен уй-жойингиз ва қишлоғингизни ўз ҳимоямга олишга мажбур бўлдим.

Простаков. А! Қандай кунларга қолдик!

Простакова хоним. Нима! Яна янги кулфат! Нима учун, отахон? Ахир мен ўз уйимнинг бекаси...

Правдин. Золим бекасиз, бизнинг эгулик замирида ташкил этилган давлатимизда бадхулқ кишиларга ўрин бўлиши мумкин эмас. (*Простаковга*). Боринг.

Простаков (*қўлларини бир-бирига уриб, чиқиб кетади*). Кимнинг касофатига қолдик, онаси?

Простакова хоним (*зорланиб*). О, шўрим қуриди! О, қандай мусибат.

Сўқимбоев. Ҳай! Ҳай! Ҳай! Бунақада менга ҳам навбат келиб қолиши ҳеч гапмас. Бунақада ҳар қандай Сўқимбоевнинг ҳам мол-давлати назоратга тушиб қолиши мумкин... Вақт ганиматда туёқни шиқиллатиб қолмасам бўлмас.

Простакова хоним. Бутун мол-дунёмдан жудо бўляпман! Хонавайрон бўляпман!

Сўқимбоев (*Стародумга*). Мен сенинг олдинга маслаҳатлашиб олгани келувдим. Қайлиқ...

Стародум (*Милонни кўрсатиб*). Ана у.

Сўқимбоев. Аҳа! Ундай бўлса, менинг қиладиган ишим қолмапти бу ерда. Извошга отни қўшаман-у, кейин...

Правдин. Кейин тўппа-тўғри, чўчкаларингнинг олдига равона бўл. Лекин ҳамма Сўқимбоевларга уларнинг қандай жазога тортилишлари мумкинлигини айтиб қўйишни унутма.

Сўқимбоев. Дўстларни огоҳлантирмай бўладими! Айтаман уларга, одамларига...

Правдин. Ўз одамларига кўпроқ шафқат қилишсин ёки ҳеч бўлмаганда...

Сўқимбоев. Хўш?..

Правдин. Уларга тегишмасин.

Сўқимбоев (*чиқаркан*). Тегишмасин.

V САҲНА

Простакова хоним, Стародум, Правдин,
Митрофан, Софья, Еремеевна.

Простакова хоним (*Правдинга*). Отагинам, мени хароб қилма, нима фойда бундан сенга? Бир амаллаб фармонни бекор қилиб бўлмасмикин? Ахир ҳамма фармонлар ҳам бажарилаверармиди?

Правдин. Мен ўз бурчимни бажармай иложим йўқ.

Простакова хоним. Ҳеч бўлмаса, уч кунгина мухлат бер. (*Четга*). Нима қилишимни ўзим билардим...

Правдин. Уч соатгаям рухсат бермайман.

Стародум. Ҳа, азизим! Бу аёлнинг уч соатда қилган шумликларини юз йилда ҳам тузата олмайсан.

Простакова хоним. Э, отагинам тушмагур, нима қиласиз, бунақа бачкана ишларга аралашиб?

Правдин. Бу менинг ишим. Ҳар бир киши ўз тегишини олади, а...

Простакова хоним. Қарзларни тўлашим керакми?.. Муаллимларга ҳақ тўланмаган...

Правдин. Муаллимларга? (*Еремеевнага*). Улар шу ердами? Бошлаб кир бу ёққа.

Еремеевна. Қелишган бўлса керак. Немисни-чи, отахон?

Правдин. Ҳаммасини чақир.

Еремеевна чиқади.

Правдин. Ҳеч ниманинг ташвишини қилма, хоним афанди, ўзим ҳаммани хурсанд қиламан.

Стародум (*Простакова хонимни хомуш қиёфада кўриб*). Хоним афанди! Бошқаларга ёмонлик қилишга қурбинг етмаганини сезганингдан кейин, мана кўрасан, кўнглинг анча енгил тортади.

Простакова хоним. Марҳаматинг учун ташаккур! Ўз уйимдаки ўз қўлларимга эрк беролмаганимдан кейин, нимага ярайман!

VI САҲНА

Ушалар, Еремеевна, Аврарман, Ҳалимзода
ва Рақамий.

Еремеевна (*муаллимларни бошлаб кираркан Правдинга*). Мана ҳамма касофатларимиз, отагинам.

Аврарман (*Правдинга*). Чаноп олийлари, хусуригиска чақиртирканмитингис мени?

Ҳалимзода (*Правдинга*). Қамини пешвоз келмиш истиқболингизга.

Рақамий (*Правдинга*). Буйруғингизга ҳозирман, жаноби олийлари!

Стародум (*Аврармандан ҳеч кўзини узмайди*). Ие! Сенми-сан, Аврарман?

Аврарман (*Стародумни танийди*). Ие! Ие! Ие! Ие! Сенми-сан, муҳтарам соҳипим! (*Стародумнинг этагидан ўпади*). Сох-саломатмисан, отакинам?

Правдин. Нима? Танийсизми буни?

Стародум. Нега танитай? Уч йил менинг қўлимда арава-
каш бўлиб ишлаган.

Ҳамма таажжубда.

Правдин. Гоят нодир муаллим!

Стародум. Ҳали бу ерда муаллимлик қияпсанми, Аврар-
ман! Сени инсофли, билмаган ишига қўл урмайди, деб уйлардим.

Аврарман. Илочим қанчайти, отакинам? Питта мен эмас,
шунақа қилкан. Уш ой Москвага ишсиз сантироқлап юртим, ҳеш
кимка кушер керакмас. Ё ошликтан ўлишим, ё томлалик қилиш
керак эти...

Правдин (муаллимларга). Ҳукуматимизнинг фармони би-
лан мен бу хонадонни ўз васийлигимга олдим, бинобарин, сиз-
ларни ишдан бўшатаман.

Рақамий. Қойил бўпти.

Ҳалимзода. Аз баски, бўшатишни ихтиёр этибсиз, унда
биз ғариблар бирла ҳисоб-китоб қилмоғингиз лозим...

Правдин. Хўш, нима истайсан?

Ҳалимзода. Йўқ, муҳтарам афанди. Менинг ҳақим бағоят
мўл. Чунончи: ярим йиллик мударрислигим ҳақи, уч йил мобай-
нида кийиб йиртганим пойафзал ҳақи, бу ёққа бекор келиб, бекор
кетганларимиз ҳақи, яна...

Простакова хоним. Вой очкўз-е! Вой, ноинсоф Ҳалим-
зода-е! Қайси кўрсатган кароматинг учун?

Правдин. Сиз аралашманг, хоним афанди, илтимос.

Простакова хоним. Сирасини айтганда, қани, айт-чи,
нима ўрганди сендан Митрофангинам?

Ҳалимзода. Урганиш унинг иши. Мени ишим ўқитиш.

Правдин. (Ҳалимзодага). Яхши, яхши. (Рақамийга.) Хўш,
сенга қанча ҳақ тўлаш керак?

Рақамий. Менгами? Ҳеч қанча.

Простакова хоним. Унга, отахон, бир йилга ўн сўм бе-
рилган, яна бир йилга бир пул ҳам тўланмаган.

Рақамий. Тўғри, ўша ўн сўмга этик олиб икки йил кийдим.
Демак ора очиқ.

Правдин. Ўқитганинг учун-чи?

Рақамий. Ҳеч нима.

Стародум. Нега энди?

Рақамий. Ҳеч нима олмайман. Ўғли ҳеч нима ўрганмади.

Стародум. Бари бир, ҳақингни олишинг керак.

Рақамий. Бекорга ҳақ олмайман. Мен подшога йигирма
йилдан кўпроқ хизмат қилдим. Хизматим эвазига пул олганман.
Лекин бекорга олган эмасман, энди ҳам олмайман.

Стародум. Мана бунини инсофли одам деса бўлади!

Стародум билан Милон ҳамёнларидан пул чиқарадилар.

Правдин. Сен уялмаяпсанми, Ҳалимзода?

Ҳалимзода. (бошини ҳам қилиб). Шарманда бўлдим мен бадбахт.

Стародум (Рақамийга). Мана бу сенга, азизим, қалбингнинг поклиги учун.

Рақамий. Қуллуқ, жаноби олийлари. Ташаккур. Менга пул беришни ихтиёр қилган экансан, қўлингни қайтара олмайман. Лекин хизматим самарасини кўрмасам, икки дунёда ҳам ҳақ сўрамайман.

Милон (унга пул бериб). Мана бу пул ҳам сенга, азизим! Рақамий. Яна бир карра қуллуқ.

Правдин ҳам унга пул беради.

Рақамий. Нега энди менга бунча шафқат қиляпсиз, жаноб олийлари?

Правдин Ҳалимзодага ўхшамаганинг учун.

Рақамий. Э! Жаноби олийлари. Мен солдатман.

Правдин (Рақамийга). Бора қол, дўстим, худо ёр бўлсин.

Рақамий чиқиб кетади.

Правдин. Сен бўлсанг, Ҳалимзода, эртага бу ерга келгинда, беканинг ўзи билан ҳисоб-китоб қил.

Ҳалимзода (чоғиб чиқиб кетаркан). Беканинг ўзи билан! Э, воз кечдим ҳамма ҳақимдан.

Аврарман (Стародумга). Эски хисматшингизни ташлап кетманг, чаноп олийлари. Мени яна ўсингиска хисматка олинг.

Стародум. Назаримда, сен Аврарман, отларнинг қиёфасини ҳам унутиб юборган бўлсанг керак?

Аврарман. Э, йўқ, отакинам! Пу хонатоннинг соҳиплари билан турканимда, кўё нуқул отхоната отлар билан пирка пўлкантай ҳис қилтим ўсимни.

VII САҲНА

Ўшалар ва маҳрам.

Маҳрам (Стародумга). Қаретангиз тайёр.

Аврарман. Мени ҳам каретака чиқишка пуюрасанми?

Стародум. Бор олдинга чиқиб ўтир.

Аврарман чиқади.

ОХИРГИ САҲНА

Простакова хоним, Стародум, Милон, Софья, Правдин, Митрофан, Еремеевна.

Стародум (*Софья билан Милоннинг қўлидан ушлаб, Правдинга*). Хўп, азизим! Энди жўнаймиз. Бизга оқ йўл тила...

Правдин. Номусли кишилар мушарраф бўладиган жамики бахт-саодат сизларнинг доимий ҳамроҳингиз бўлсин.

Простакова хоним (*ўғлига ташиланиб уни бағрига босади*). Сендан бўлак ҳеч кимим қолмади, жигаргўшам Митрофанжон!

Митрофан. Э, нари тур, ойи, намулча хира бўлмасанг...

Простакова хоним. Сен ҳам! Сен ҳам мендан юз ўгирдинг! А! Ношукур банда! (*Ҳушидан кетиб йиқилади*).

Софья (*унинг тепасига югуриб келиб*). Вой ўлмасам. Ҳушидан кетди.

Стародум (*Софьяга*). Ёрдам қил унга, ёрдам қил.

Софья билан Еремеевна ёрдам қилишади.

Правдин (*Митрофанга*). Ярамас бола! Онангни таҳқирлашга нима ҳаққинг бор? Аслида у сенга беҳад меҳр қўйгани учун бу бахтсизликка мубтало бўлди.

Митрофан. Нимага бўлмаса ўзи...

Правдин. Беадаб!

Стародум (*Еремеевнага*). Қалай аҳволи? А ?

Еремеевна (*Простакова хонимга тикилиб қараб туради ва қўлларини бир-бирига уради*). Ҳушига келяпти, отагинам, ҳушига келяпти.

Правдин (*Митрофанга*). Сени, ука, нима қилишни ўзим биламан. Хизматга жўнайсан...

Митрофан (*қўл силтаб*). Менга деса, ундан нарига.

Простакова хоним (*ҳушига келиб, умидсизлик билан*). Хонавайрон бўлдим! Қўлимдан ҳуқуқим кетди! Хиждолатдан кўзимни қаёққа яширишни билмайман! Ўғлимдан ҳам жудо бўлдим!

Стародум (*Простакова хонимни кўрсатиб*). Мана сизга, ахлоқсизликнинг бадкор самараси!

Комедия тугади.

**Д. ФОНВИЗИН ВА УНИНГ «ДУМБУЛ БОЙВАЧЧА»
КОМЕДИЯСИ ҲАҚИДА**

Ҳурматли китобхон, мана сиз «Думбул бойвачча» комедиясини ўқиб чиқдингиз.

Ушбу асар XVIII асрнинг энг йирик рус драматурги, рус ижтимоий комедиясини биринчи бўлиб яратган Денис Иванович Фонвизин қаламига мансубдир.

Д. И. Фонвизин 1745 йилда Москва шаҳрида бадавлат дворян оиласида дунёга келди. У студентлик чоғларидаёқ Москвада чоп қилинувчи журналларда ўз асарлари ва таржималари билан кўрина бошлади.

1762 йилда Фонвизин Ташқи ишлар коллегиясига таржимон этиб тайинланади ва шу муносабат билан Петербург шаҳрига кўчиб ўтади.

Фонвизин ўз даврининг кўпгина драматурглари билан танишди, театр санъатини муфассал ўрганди. Оқибатда у чет эл драматургларининг бир қатор пьесаларини рус тилига таржима қилди, кейинчалик ўзининг «Бригадир» номли оригинал рус сатирик комедиясини ёзди. Фонвизин бу комедиясида рус дворянларининг сатирик образларини, рус помещикларининг жонли характерларини чин маърифатпарвар сифатидза ифодалади.

Фонвизин драматургия соҳасида ишлашни давом эттириб, 1781 йилда ўз ижодиятида энг муҳим ўрин эгаллагач «Думбул бойвачча» комедиясини яратди. XVIII аср рус адабиётининг энг юксак бадиий муваффақияти ҳисобланган бу асарни Пушкин ва Белинский «халқ комедияси» деб атадилар.

ва рус реалистик адабиётининг энг ёрқин намоёндалари бўлмиш А. С. Грибоедовнинг «Ақллилик балоси» ва Н. В. Гоголнинг «Ревизор» комедиялари билан бир сафга қўйдилар.

«Думбул бойвачча» комедияси Пугачев қўзғолни бостирилгандан кейин мамлакатда ҳукм сура бошлаган реакция пайтида ёзилган эди.

Бу асарида драматург Россия бошига тушган барча азоб-уқубатларнинг ўзаги крепостнойлик ҳуқуқи эканлигини ошкора баён қилади, одамлардаги иллатларни айрим-айрим ҳолда эмас, балки у биринчи навбатда, жамият ўртасидаги зиддиятларни реал далиллар билан фош қилиб ташлайди. Асардаги ижобий қаҳрамонлар (Стародум, Милон, Правдин ва бошқалар) крепостнойлик ҳуқуқини қоралаш билан чекланиб қолмай, унга қарши курашадилар ҳам.

Фонвизин ўз комедиясида қулчиликнинг ёмон оқибатини ёрқин жумлаларда ифодалайди. Қуллик деҳқонларни қаролга айлантиришини, улардаги барча инсоний фазилатларни барбод қилишини исботлайди. Бу ўринда Фонвизин маҳорати билан яратилган ғоятда улкан бадиий образ — чўри хотин Еремеевнани мисол келтиришнинг ўзи кифоядир. Фонвизинга қадар ҳеч битта рус адиби чўри ё қарол образини бунчалик реал ва жочли қиёфада тасвирлай олган эмас эди.

Фонвизин бу воқеадан иккинчи хулоса чиқариб, қулчилик оқибатида помещикларнинг ўзи ҳам инсоний қиёфаларини йўқотаётганини намоён қилади. У рус помещикларининг Сўқимбоевларга айлана бошлаганини, уларнинг ўзаро номусларини, қадр-қийматларини одамийлик қиёфаларини, йўқотиб, ўз қаролларига нисбатан бешафқат жаллодга айлана бошлаганларини жуда зўр маҳорат билан қатъий ва аёвсиз сатрларда таърифлайди.

«Думбул бойвачча» комедиясида ёритилган иккинчи энг муҳим масала — бу оилада бола тарбияси масаласидир. Бу борада Фонвизин муҳитни шахсга таъсирини моҳирона ифодаларкан, помещик Простаков қўрғонидаги турмуш тарзининг шу оила арзандаси Митрофанга қанчалик зиёнли таъсир этишини жуда аниқ ифодалаб беради.

Рус классик комедиясига асос солган XVIII асрнинг энг йирик рус драматурги Д. И. Фонвизин-

нинг ўз замонининг илғор маърифатпарварларига,
рус революционерларига ва XIX аср илғор мада-
нияти намояндаларига таъсири беқиёс бўлди. Фон-
визинчи маърифат курашчиси, деб, крепостнойлик
ҳуқуқига ва ҳокими мутлаққа қарши курашувчи
шахс деб таниган А. С. Пушкин уни «Озодлик дўс-
ти» деб атаган эди.

Қ. МИРМУҲАМЕДОВ

УЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
«ЁШ ГВАРДИЯ» НАШРИЁТИ ҚУЙИДАГИ
КИТОБЛАРНИ БОСМАДАН ЧИҚАРДИ:

Дастлабки учқун. Оснё ва Африка
ёзувчиларининг эртақ ва ҳикоялари.
Асқад Мухтор. Томчивой. *Рангли китоб.*
Набира саргузаштлари. *Ҳашар-қисса.*
П. Хорло. Гобилик бола. *Қисса ва ҳикоялар.*
Р. Толипов. *Суҳбат. Шеърлар.*
Э. Раҳимов. *Фаҳрим. Шеърлар.*

Урта ва катта ёшдаги болалар учун

На узбекском языке

Д. И. Фонвизин

НЕДОРΟΣЛЬ

Комедия

Издательство «Ёш гвардия» — Ташкент — 1978

Редактор С. Юнусов. Рассом Р. Халилов.
Расмлар редактори Қ. Алиев. Техн. редактор
Г. Аҳмаджонова. Корректор М. Ортиқова

«Художественная литература» нашриёти
Ленинград бўлимининг 1972 йилги
нашридан таржима.

ИБ № 371

Босмахонага берилди 11/XI-77 й. Босишга рух-
сат этилди 15/VI-78 й. Формати 60×84^{1/16}.
Босма листи 5,0. Шартли босма листи 4,65.
Нашр листи 4,57. Тиражи 30000. Заказ № 2214.
Баҳоси 15 тийин. Қоғоз № 3.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент,
Навой кўчаси, 30; Шартнома 119—77.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26.

Ф $\frac{7-8-3-215}{356 (06)-78}$ 105—78

15T.

